

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

РУСТАМ СУЛАЙМОНОВ

НАХШАБ –  
УНУТИЛГАН  
ТАМАДДУН  
СИРЛАРИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

63.3 (29)  
C 96


0

Ушбу рисолада юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Қарши шаҳрининг илк ўрни – Ерқўрғон қазилмалари, ундан топилган ашёлар ёрдамида аجدларимизнинг эътиқоди, маънавияти ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. У миллий маданиятимиз қадимий тарихининг мозий бағрида яширин саҳифаларини ёритиши билан қимматли бўлиб, теран илдизларимизни илғаб олишга, ўзимизни башариятнинг узвий бир ҳалқаси сифатида чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Рисола қазилмалар жараёнида Ерқўрғондан топилган ашёлар сурати билан бойитилган.

Тақризчи:

академик, тарих фанлари доктори

**Ю. Ф. Буряков**



10

C 4702620204 – 4  
M25/04/–04

© «Маънавият», 2004

## СЎЗ БОШИ

*Азиз китобхон!*

Кўлингиздаги Рустам Сулаймонов ёзган ушбу рисо- ланинг ҳажми кичик бўлса-да, мазмуни ва аҳамияти жуда салмоқли. У бугунги ўзбек шаҳарларининг энг қадимийла- ридан бири, 2700 йиллиги нишонланишга тайёргарлик кўрилаётган Қарши шаҳрининг илк ўрни — Ерқўрғон қазил- малари, ундан топилган ашёлар ёрдамида аجدодларимиз эътиқоди, маънавияти ҳақида ҳикоя қилади.

Рисоланинг — «Нахшаб — унутилган тамаддун сирла- ри» — деб номланиши бежиз эмас. Чунки Фарбда шу пайт- гача Марказий Осиёда, қадимги Миср, Бобил, Эрон, Хи- той, Ҳиндистондан фарқли, алоҳида цивилизация (тамад- дун) бўлмаган, деган фикр ҳукмрон.

Бу фикрларни илмий далиллар, археологик ва ёзма то- пилмалар ёрдамида ўзгартириш ўзбек олимларининг ва Мар- казий осийлик бошқа олимларнинг ватанпарварлик бурчи- дир.

Нахшаб ўлкасининг илк пойтахти Ерқўрғон топилмала- ри муаллиф томонидан жаҳон халқлари асотирлари (мифо- логияси) ва маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги, муш- тарак умуминсоний қадриятлар ривожланиш жараёнининг унсури сифатида талқин қилинади. Муаллиф ҳинд Ведала- ри, юнон ва рим, славян ва кельт асотирларида ўхшашлик ва мувозий (параллел)ликларга мурожаат этиб, археологик топилмаларни, бугунги кунгача маҳаллий аҳоли хотираси- да яшаб келаётган баъзи афсона, ривоятларни таҳлил этади. Бундай қамровли қиёсий ёндашув ишонарли хулосаларга олиб келади.

Рисола ўқувчининг аجدодларимиз дунёқараши, эъти- қоди, маънавияти ҳақида билимларини, маънавий дунёси- ни, Ватанимиз тарихи ҳақидаги тасаввурларини бойитиш билан бир қаторда, унда бизнинг диёримиз инсоният та- маддунининг илк ўчоқларидан бири бўлганлиги ҳақида фикр уйғотади.

Зийрак ўқувчи қадимги ҳинд-арий маънавияти бешикларидан бир ҳам Марказий Осиё эканлиги, унинг илк куртаклари бизнинг тупроқда ниш уриб, Ҳиндистонга арий қабилалари билан борганини ва у ерда ўз ҳосилини берганини, Нахшаб топилмалари зардуштийликкача бўлган давр маънавиятининг баъзи унсурларини сақлаб қолганини билиб олади.

Марказий Осиёда қадим замонларданоқ турли уруғ-қабилалар, элатлар, халқлар аралаш яшаган. Ёзма парчалари сақланиб қолган суғдлар, хоразмийлар, парфияликлар тили шарқий эроний тиллар гуруҳига оидлиги аниқланган. Скифлар, саклар тиллари ҳам қадимги ҳинд-арий халқларига мансуб, деб ҳисобланади. Айрим муаллифлар фикрича, скифлар ва сакларнинг бир қисми туркий қабилалардан иборат бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки бу атамалар аниқ бир халқни эмас, балки Евросиё чўлларида яшаган кўчманчиларни (айниқса «скиф» атамаси) ифодалаган.

Қанглар, эфталийлар ва бошқа қатор халқлар, жумладан эрамиздан аввал вужудга келган хунну қабилалар уюшмаси, эрамизнинг III — V асрларида хионийлар (қабилалар уюшмаси) тили тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

Улар ёки уюшмаларга кирган қабилаларнинг бир қисми қадимги туркий ёки унга яқин тилларда сўзлашган деб фарз қилишга баъзи манбалар асос беради.

Ривоятларда Бухоро, Ромитан, Самарқанд шаҳарларининг у ёки бу даражада Алп Эр Тўнға ёки Афросиёб номи билан боғланиши Турон тарихида сиёсий ва маданий ҳаётида туркий қавмлар азалдан катта ўрин тутганини кўрсатади.

Бу фикрга эътиборни жалб қилишдан мақсадимиз қадимги тилларни ва қавмларни бир-бирига қарши қўйиш эмас. Балки, биринчидан, Марказий Осиё, бизнинг минтақамиз энг қадим замонларданоқ турли маданиятлар, диний ва дунёвий эътиқодлар бир-бирига ва бошқа халқлар маданиятига ўзаро таъсир кўрсатиб, умумбашарий маданиятга муносиб ҳисса қўшганини таъкидлашдир.

Иккинчидан, биз, ўзбеклар ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа халқлари ўша қадимги ажлодлар яратган маданиятнинг, «унутилган тамаддун»нинг тарихий ворислари экан-

лигимизга, бундан ҳаққоний ифтихор туйишимиз мумкин-лигига эътиборни жалб қилишдир.

Рисола халқимиз маънавиятининг теран илдизлари умубашарий асотирларга бориб тақалишини, айна пайтда нахшаблик аждодларимизнинг эътиқодий тасаввурлари ҳунармандчилик ва суғорилма деҳқончиликка асосланган яшаш тарзи, қадимги воҳа ҳаётида Қашқадарёнинг тутган ўрни таъсирида шаклланганини очиб берган.

Энг архаик, ибтидоий асотирларда тириклик, ҳаёт, шу жумладан, инсон ва инсон қавмларининг келиб чиқиши муқаддас дарахтга бориб боғланади. Ҳаёт дарахти тўғрисида асотир қадимги дунё халқлари эътиқодида кенг тарқалган. Худди шундай асотирлар туркий халқлар орасида ҳам бўлган. Уйғурларнинг эдиз уруғи муқаддас дарахтни ўз уруғбоши-си деб билган.

Ушбу мазмундаги ибтидоий асотирнинг қайта ишланган ва ўз даврида тарихий воқеалар билан қоришиб афсоналашган қолдиғини муаллиф Ерқўрғон яқинидаги қишлоқ аҳолисидан ёзиб олган, топилмаларни талқин қилишда ундан ажойиб тарзда фойдаланган.

Рисола Ватанимиз ва миллий маданиятимиз қадимги тарихининг мозий бағрида яширин саҳифаларини ёритиши билан нафақат Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан муносиб совға бўлади, у шунингдек теран илдизларимизни илғаб олишга, ўзимизни башариятнинг узвий бир ҳалқаси сифатида аниқроқ англашга ҳам ёрдам беради, десак, янглишмаймиз.

*Абдураҳим Эркаев*

## ҚАРШИ ВОҲАСИНИНГ ШАҲАР МАДАНИЯТИ НЕЧА ЁШДА

Қарши Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган, XX асрнинг 70—80-йилларида жуда улкан суғориш ишлари амалга оширилган воҳанинг маркази сифатида машҳур бўлган йирик шаҳарлардан бирidir. Бугунги кунга келиб у Ўзбекистон нефть-газ саноатининг марказига айланди.

Ёзма манбалардан маълумки, Қарши шаҳри XIV асрда чигатой уруғларидан бўлмиш Кўппакхон саройининг негизида ташкил топган. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки даврларида шаҳар атрофи илк бора девор билан ўралган. Шайбонийлар, аштархонийлар ва Бухоро амирлари давлатлари даврида ҳам Қарши муҳим савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб қолди.

Яна шу нарса маълумки, воҳанинг ўрта аср пойтахт шаҳри ҳозирги Қарши шаҳридан 5 километр олисликда жойлашган ва Нахшаб (Насаф арабча шакли) деб аталган. У XIII асрда Чингизхон томонидан ёндирилиб, бутунлай вайрон этилган. Бироқ ер билан яқсон этилган бу шаҳар Чингизхоннинг невараси томонидан биров нарида воҳа маркази сифатида Қарши номи билан янгидан бунёд этилган. Насаф IX асрдан бошлаб ўрта асрларнинг гуллаб-яшнаган шаҳрига айланган эди.

У Сўғд замини учун араблар билан узоқ давом этган қонли жанглар даврида мустаҳкам шаҳар қалъаси сифатида VII — VIII асрлардаёқ ёдга олиб ўтилган.

Археологик изланишлар бу манбалар ҳақлигини тўла-тўқис тасдиқлади. IV — V асрларда воҳанинг сув тақсимооти ҳудудида бунёд этилган йирик ва мустаҳкам бу қалъа VII — VIII асрларга келиб воҳанинг пойтахт шаҳрига айланди.

То бунгача — VI — VIII асрларга қадар Қарши воҳасида шаҳарларнинг бўлган-бўлмаганлиги ҳақида мавжуд ёзма манбаларда бирон-бир маълумот учрамайди.

Бироқ сайёҳлар, қадимшунослар ва тадқиқотчилар XIX

асрдан бошлаб Қарши — Бухоро йўлининг бошида, Насафдан 5 км шимолда жойлашган қадимий улкан шаҳар қолдиқларига катта эътибор билан қараб келдилар. Унинг тарихи яқин-яқинларгача маълум эмас эди. Атрофда яшовчи аҳоли хотирасида ҳам баъзи бир гира-шира афсоналардан бўлак ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган, бу шаҳар шунчаки Ерқўрғон дея атаб келинган. Ўз миқёси жиҳатидан қадимий Бақтриянинг Балх ва Месопотамиянинг Суз шаҳарларидан қолишмайдиган бу қадимий шаҳар қолдиқлари дастлаб А. И. Терепожкин, С. К. Кабанов ва М. Е. Массон каби археологлар томонидан ўрганилган, бироқ бу ерда жиддийроқ қазिशмалар олиб борилмаган ва шу тариқа унинг вужудга келиш даври ноаниқлигича қолаверган. Бироқ бу вайроналар Қарши воҳасининг илк энг қадимий пойтахти шу ерда бўлганлигидан дарак берарди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институтининг махсус экспедицияси бу қадимий шаҳарда аниқ мақсадни кўзда тутган қазिशма ишларини бошлаб юборди. Ерқўрғоннинг фан учун ўзига хос қиммати шунда эдики, VI асрдаёқ ташлаб кетилган бу шаҳар худди археологик кўриқхона каби сақланиб қолган, унинг қолдиқларига XX асрга қадар деярли ҳеч қандай зиён етмаган эди.

Таъкидлаш лозимки, ўз даврида Ерқўрғон бутун жанубий Сўғдиёнанинг пойтахт шаҳри бўлган.

Сўғдиёна, қадимги Сўғд мамлакати жанубидаги Бақтрия билан шимолдаги скифлар ўртасида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган. Зарафшон ва Қашқадарё водийлари Сўғдиёнанинг туб ҳудудларини ташкил этган. Араблар келгунга қадар ва ислом дини ёйилган даврларда бу жойда яшаб келган халқ ўзини сўғдлар деб атаган. Сўғдлар (ўзбеклар ва тожикларнинг қадимий аجدодлари) ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган, юксак маданият яратган эрксевар кишилар бўлишган.

Сўғд ва сўғдийлар ҳақидаги илк эслатмалар зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да учрайди. Салтанатлар тарихидаги энг қадимий шоҳлардан бўлмиш шоҳ Доро битикларида ҳам Сўғд ҳақида эслаб ўтилади.

Александр Македонскийнинг Сўғдиёнадаги Ўксус —

Амударёдан Танаис — Сирдарёгача чўзилган ҳарбий юришларини мадҳ этган тарихчилар Сўғдиёна ҳақида анча кенг маълумот беришади.

Александр Македонский кўшинларига қарши сўғдийлар олиб борган қаҳрамонона кураш гувоҳларининг ёзма маълумотларига қараганда, Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Эронни забт этган юнон шоҳи Сўғдда Спитамен бошчилигида қаттиқ қаршиликка дуч келган. Қақшатқич жанглар давом этишига қарамасдан, кучлар ўртасидаги фарқ анча катта эди ва бундай вазиятларда ҳамиша бўлиб келгани каби сотқинлик ўз машғум ролини ўйнади. Ривоятларнинг бирига кўра, йўл ва жанг азобларидан қийналиб кетган Спитаменнинг хотини ўзи ва болаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун эрининг бошини олиб Македонскийга жўнатади. Бошқа бир ривоятга кўра, Спитаменни собиқ иттифоқчилари — скифлар сотиб қўйишади.

Дарҳақиқат, улуғ инсон бўлган Александр мардлик ва жасоратни қадрлай олар эди, шу боис ҳам биз кўп ўтмай Спитаменнинг қизи Апама Македонскийнинг энг машхур лашкарбошиси Селевкка турмушга чиққанининг гувоҳи бўламиз. Ўз навбатида Селевк Александр Македонский вафотидан сўнг Сўғддан Месопотамияга қадар ястаниб ётган ўз салтанатини барпо этди ва бу бепоён мулкдаги пойтахт шаҳарлардан бирини ўз хотини номи билан Апамея деб атади.

Буюк ҳукмдор Александр сўғдларга қарши узоқ ва шиддатли жанглар олиб борса-да, бироқ мураса йўлига ўтиб, сўғд зодагонининг қизи Роксанага уйланганидан ҳамда қизнинг отаси Оксиарт ёки Вахшуворнинг ёрдамидан кейингина Сўғдда ўз ҳокимиятини қарор топтирди.

Александр Македонскийнинг тарихчиси берган хабарга қараганда ҳукмдор саройда ўтказилаётган байрам қабули пайтида қизлар даврасидаги Роксанага кўзи тушиб, уни севиб қолади. У асирга тушган сўғд жангчиларидан бир гуруҳини ўлимга ҳукм этганида, улар дор остига кўшиқ куйлаб чиқиб келишларини кўриб ҳайрон қолади. Александр ўзи учун мутлақ тушунарсиз бўлган сўғдларнинг бу хурсандчилик сабабларини сўраганида, таржимон, улар шунинг учун шодланмоқдаларки, ўлим уларни асирликдек



шармандалиқдан халос этади, деб изоҳ беради. Асирларнинг бу ўқтамлигидан қаттиқ таъсирланган ҳукмдор уларни озод қилибгина қолмай, ўзига яқин тута бошлайди.

Кейинчалик, эрамизнинг I минг йиллигининг биринчи ярми ва ўрталарида сўғдлар машҳур тижоратчи сифатида майдонга чиқдилар. Улар қитъалараро ипак савдосини ўз қўлларида тутиб турар эдилар. Уларнинг савдо уйлари Кореядан Костантинополга қадар тарқалган эди. Ҳатто Вьетнамда таваллуд топган сўғдийлар ҳақида ҳам тарихий маълумотлар учрайди. Ўрта асрлар Қора денгизнинг шимолий соҳилида жойлашган Судак шаҳрининг номи ҳам сўғдча Сўғдак деган этноним шакли билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Хитой ҳудудида Ипак йўли бўйлаб қатор сўғдий жамоалар жойлашганлиги маълум. Археологлар эрамизнинг дастлабки асрларида бундай жамоаларнинг биридаги ҳалок бўлган хат ташувчининг жузви (халтаси)дан сўғдларнинг Самарқанддаги қариндошларига йўлланган хатларини топишган. Шу жумладан, ёш бир сўғд қизининг ўз онасига сирдошларча ёзган хати ҳам мавжуд бўлиб, бу сўғд аёлларининг юксак маданий даражасидан дарак беради. Бу хатлар сўғдларнинг хориждаги Друан шаҳридан ёзилган, кейинчалик бу шаҳар хитойча Дунхуан деб атала бошланган.

Будда таълимотининг Ҳиндистон ва Хитойга, сўнгра эса Корея ва Японияга тарқалишида сўғдлар алоҳида рол ўйнаганлар.

Қадимги сўғдлар, бақтрияликлар, хоразмликлар шарқий эроний тиллар гуруҳининг турли шеваларида гапирганлар. Сақланиб қолган ёзма манбалар асосида бу тиллар анча-мунча ўрганилган. Улар VIII – IX асрларда форсларнинг араблар тазйиқи натижасида Хуросонга кўчиб келишларидан сўнг Ўрта Осиёга тарқалган ғарбий эрон тил гуруҳига мансуб форс ёки тожик тилидан кескин фарқ қилган.

Қадимги Ўрта Осиё сақлари ва Шимолий Қораденгизбўйи скифлари ҳам шарқий эроний тиллар гуруҳи шеваларида гапиришган деган тахминлар бор. Ўрта Осиёнинг катта қисмида ва Евросиёнинг чўл ҳудудларида антик даврдан

бошлаб аста-секин, ўрта асрлар давомида анча тез суръатларда туркий тилларга аҳолининг ўтиши натижасида бугунги кунга келиб шарқий эрон тил гуруҳлари бутунлай йўқолиб кетган. Фақат бу халқларнинг айримларигина ўзларининг шарқий эрон тил гуруҳига мансублиklarини сақлаб қолишган. Булар помирликлар, Афғонистондаги паштунлар ва Кавказдаги осетинлардир.

Бироқ, қанчалик ғайриоддий туюлмасин, қарийб XX асрнинг ўрталаригача фан на сўғд санъатининг ўзига хос қиёфасини, на моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини билмай келди. Сўғд маданиятининг унутилишида араб истилоси ва ислом динига ўтиш алоҳида рол ўйнади, инчунин, янги дин билан биргаликда мамлакат номи ҳам ўзгарди ва у Мовароуннаҳр деб атала бошланди. Айни пайтда VIII—IX асрларда сўғд тили ўрнини форсий ва туркий тиллар эгаллади. Тасвирий санъат, кўпхудолик мафкураси ва бошқа қадимий қадриятлар макруҳ деб эълон қилинди. Аммо сўғд атамаси узоқ муддат сақланиб қолди. Бинобарин, X асрнинг жуғрофий олими Ибн Ҳавқал бундай деб ёзади: “Сўғд Оллоҳнинг энг ҳосилдор мамлакатидир, унда ажойиб дарахтлар ва мевалар бор, барча ҳовлиларида боғлар, ҳовузлар ва оқиб ётган ариқлар мавжуд”. Лекин бу пайтда Сўғд деб фақатгина Самарқанд воҳаси аталарди.

Қадимги сўғд маданиятининг археологик ёдгорликлари узоқ вақт қарийб ўрганилмай келинди. Гап шундаки, сўғдларнинг Самарқанд ва Бухоро каби асосий маданий марказлари минг йиллар мобайнида ўз жойини ўзгартирмай янги шароитларга мослашиб келди. Шаҳар қурилиши ва ободончилик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилган амалиёт ўрта асрларда бу шаҳарлар асосида ётган антик меъморий иншоотлар ва маданий қатламларнинг вайрон этилишига олиб келди.

Фақат Сўғдиёнанинг чекка шаҳарлари бўлмиш Панжикент ва Варахшадан сўғдийларнинг ноёб маҳобатли санъати намуналари топилдики, улар ўз маданий аҳамияти жиҳатидан Италиянинг Помпей ва Геркуланум санъатидан қолишмайди. Самарқанд ва Бухорода ўрта асрлар маданиятининг ажойиб парвози ҳам билвосита қадимги Сўғдиёна-

нинг қудратли маданий имкониятларга эга бўлганлигидан далолат беради. Фақат кейинги йиллардагина Қадимги Сўғднинг баъзи бир йирик марказларида сўғд маданиятини пинҳона сақлаб келган мавҳумлик ниқоби очила бошланди. VIII аср-ларга мансуб бўлган Самарқанд ҳукмдори Вархуман саройидаги рангли тасвирларнинг топилиши ана шундай муваффақиятлардан бири эди. Бироқ Ерқўрғон ўрганилгандан кейингина антик Сўғдиёна маданиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида илк бор анча кенг тасаввурлар пайдо бўлди.

Александр Македонский тарихчилари Қашқадарё водийсидаги икки вилоят — Навтака ва Ксениппа ҳақида хабар беришади. Улардан бири Кеш, иккинчиси Нахшабга мос келади. Лекин улардан қайси бири Навтакаю, қайси бири Ксениппага дахлдор эканлиги ҳақидаги баҳслар, мана юз йилдан ошибдики, ҳамон давом этмоқда. Ерқўрғон харобалари жойлашган ерда бир пайтлар қўр тўкиб турган қадимий шаҳар Нахшаб ёки Қарши воҳасининг энг биринчи пойтахти бўлган. Ерқўрғонни икки қатор мустаҳкам девор қуршаб турган. Қазिशмалар натижасида ушбу шаҳар биринчи девори дастлаб эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган, демакки, бу шаҳарнинг ёши икки ярим минг йилдан кам эмаслиги аниқланди. Александр Македонский юришидан кейинги даврда шаҳарнинг иккинчи ташқи девори қурилган.

Кўп йиллик қазिशмалар натижасида бу жойдан шаҳар ва бутун воҳа ҳукмдорининг саройи, шаҳар эҳроми, даҳма, мақбара, кулоллар, темирчилар ва бошқа маҳаллалар қолдиқлари топилди. Бу қадимий шаҳар кўпгина объектларининг ҳозирча фақат устки қатлами очилган. Бироқ остки маданий қатлам сари алоҳида қазилган қазिशмалар шуни кўрсатадики, шаҳар тузилишининг қайд этилган ушбу устки қатлами шаҳар шаклланишининг илк даврлариданоқ таркиб топганлигидан далолат беради.

Бу қадимий шаҳар аҳолисининг маданий алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги меъморий ва санъат ёдгорликлари қадимий маданиятларнинг Фарбда этруссклар ва юнонлардан бошлаб Шарқда Ҳиндистон ва Сибирга қадар кенг майдонларда ёнма-ён ривожланганлигини кўрсатади.

Ерқўрғон топилмалари ёзма манбалардан маълум бўлган сўғдийларнинг кенг савдо ва дипломатик алоқалар олиб борганликлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқладилар. Шаҳардаги илк меъморий ёдгорликлардан бири сифатида сақланиб қолган, зардуштийларнинг дафн маросимларини ўтказилиш жойи бўлиб хизмат қилган даҳма икки қаватлик баланд иморат шаклида қурилиб, унинг юқорисидаги очиқ майдонида марҳум шаҳар зодагонларининг суяклари этидан тозаланган. Сўнг азиз устухонлар махсус жойларда сақланган. Даҳма қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган.

Ерқўрғон ибодатхонасининг икки устунли махрам саждагоҳи ва бу ибодатхонанинг олд томонида кенг ҳовлига қарата қурилган тўрт устунли пешайвони юнонларнинг мегарон усулидаги иншоотлари тархидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Ерқўрғон ҳукмдорининг эрамиздан аввалги III асрларда қурилган баландлиги ўн метрли пирамида шаклидаги мақбараси ўз тарихига кўра Афғонистондаги Сурх Котал деб аталадиган машҳур Кушон эҳромининг такроридир.

Амалий санъат ашёлари, шу жумладан, қадимий муҳрлар — қимматбаҳо тошларга ишланган тасвир сюжетлари Нахшаб аҳолисининг кенг маданий алоқаларидан далолат беради. Эрамиздан аввалги V асрлардаги этруссларга хос бўлган ана шундай муҳрлардан бирида Зевснинг бургут тутиб турган буй-басти гавдалантирилган. Яна бир ноёб тошда фил миниб олган Кушон ҳукмдори тасвирланган (Кушон империяси қадимда Сурхондарё водийсидан Жанубий Ҳиндистон ва Кошғарга қадар чўзилиб кетган эди).

Илоҳлар, қахрамонлар ва табаррук зотларнинг гилдан қолиплаб ясалган кўплаб миниатюра тасвирлари кийиниш усуллари, урфлари, либослари ва соч турмаклашлар юнонлардан скифларга қадар, форслардан ҳиндларга қадар бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этганлигини кўрсатади.

Ерқўрғоннинг қайси санадан, Қарши воҳасининг илк марказий пойтахти ҳисоблана бошлагани алоҳида масаладир. Қашқадарё экспедициясининг илк қазишма ишларидан шу нарса аниқландики, шаҳарнинг ички девори эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган; узунлиги 0,5 метрли



Ерқўрғондаги маҳобатли уйлardan бири меҳробининг эллинистик услубдаги нақши, III-IV асрлар.



Ерқўрғон аркининг паҳлавий санъати услубидаги барельефидан парча, III-IV асрлар.

тўғри бурчакли хом ғиштдан девор тиклаш ана шу даврларга хос хусусият эди. Бу деворга туташ қатламлардан эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди. Бироқ бу қадимий шаҳар ҳудудида қазилган алоҳида қазилмалардаги текширувлар шундан далолат берадики, бу девор тикланишидан анча аввал — илк темир даврида ҳам бу ерда деҳқон жамоалари яшаган, Ўрта Осиёнинг бу ўтроқ аҳолиси сопол идишларни кулолчилик чархида эмас, балки қўлда ясаган, пиширишдан олдин улардаги учбурчак, зигзаг ва занжирли безак қаторларини қизил ҳамда жигарранг бўёқлар билан жиллолашган. Пиширилгандан сўнг бу идишлар жуда чиройли кўриниш олган.

Бундай турдаги идишлар Сўғдиёна ҳудудининг Самарқанд воҳаси ва қадимги Кешдан ҳам топилган бўлиб, одатда улар эрамиздан аввалги IX—VII асрларга тўғри келади.

Ерқўрғоннинг эрамиздан олдинги VIII—VII асрларида ясалган сопол буюмлар топилган маданий қатламидан 1999 йилнинг кузида қалинлиги 3 метрдан ошиқ бўлган маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди. Девор баландлигининг 2 метрдан ортиқроқ қисми омон қолган ва кулоллар маҳалласининг биринчи асрларга оид қатламлари остида кўмилиб кетган. Бу девор Ерқўрғоннинг эрамиздан аввалги VI асрларда қурилган, бугунга қадар сақланиб қолган ички деворига параллел равишда тикланган. Шунини тахмин қилиш мумкинки,

кулоллар маҳалласи ичкарисидан топилган бу девор дастлабки даврларда Ерқўрғоннинг истеҳкоми вазифасини ўтаган, бироқ шаҳар худуди кенгайиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган ички девор қурилгандан сўнг эрамыздан аввалги VIII—VII асрларда қурилган эски девор ноқулайлик туғдиргани учун бузиб ташланган ва унинг тупроғидан шаҳар кулоллари буюмлар яшаш учун фойдаланишган. Кулоллар томонидан эски шаҳар деворлари қолдиқларидан хом ашё сифатида фойдаланиш ҳоллари Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам учраб туради. Хуллас, эрамыздан аввалги VIII—VII асрлардаёқ Ерқўрғон, афтидан, мудофаа девори билан қуршаб олинган илк шаҳар сифатида шаклланиб бўлган.

Маълум бўладики, гарчи Қарши шаҳри Кўппакхон томонидан тикланган бўлса-да, унинг қадимий тарихи асрлар қаърига кириб боради. Ерқўрғон, Насаф, Қарши ёнма-ён, жуғрофий жиҳатдан ўзаро алоқадор ҳолда жойлашган. Бироқ, энг муҳими, улар даврий мунтазамлиликда жойлашишган, яъни, гарчи улар турли даврларда турлича ном билан аталган бўлса-да, аслида Нахшаб воҳаси пойтахти шаҳрининг турли тараққиёт босқичларини ўзларида мужассам этган Ўрта Осиё тарихида ўз тараққиёт жараёнида шаҳарларнинг бундай ўрин алмашинувига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бинобарин, Шимолий Вокзал худудининг Мингўрик истеҳкомида 2000 йиллар аввал ташкил топган қадимий Тошкент ҳам араб истилосидан сўнг Чорсу ва Хадра томон кўчган ва ўша пайтларда у Бинкат ёки Мадина-аш-Шош деб аталган. Ўрта Осиёдаги Марв, Ахсикент, Кува, Термиз, Шаҳрисабз ва кўплаб бошқа шаҳарлар узоқ давом этган ўз тарихий тараққиётлари давомида ана шундай кўчишларни бошларидан кечиришган.

Бундай «кўчманчи» шаҳарларга мисоллар Қадимий Шарқда кўплаб топилади. Масалан, Афғонистондаги Балх шаҳри ўз жойини бир неча маротаба ўзгартирган. Катта Бобил деб аталадиган, 600 квадрат километрга яқин худудни ташкил этадиган бу шаҳар турли даврларда алоҳида-алоҳида бунёд этилган бир неча шаҳар қолдиқларидан иборат бўлиб, улар Қадимий Шарқдаги бу йирик жойнинг шаҳарлашув маркази сифатидаги турли тараққиёт босқичларини акс эттиради.

## ЗАРАТУШТРА ВА СЎҒДИЁНА АРХЕОЛОГИЯСИ

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида тарихчи ва археолог мутахассисларни ислом дини тарқалгунга қадар Қадимги Осиёда яшаган халқларнинг дафн маросимлари қизиқтириб қолди. Бутун Евросиёдаги каби, чўл ва тоғ худудларидаги кўчманчи аҳоли ўз марҳумларини қўрғонларда дафн этишган. Бинобарин, кўпгина ҳолларда марҳумнинг қабрига жасад билан бирга унинг шахсий ашёлари, қурол-яроғи, бироз таом қўйилган, кўпинча эса марҳум билан бирга унинг оти ёки отининг анжомлари қўшиб кўмилган. Скифлар ва парфияликлар вафот этган ҳукмдор билан биргаликда унинг айрим хотинлари ва хизматкорларини ҳам қўшиб кўмишган. Марҳум нариги дунёга тўла тай-ёргарлик кўрган ҳолда, ҳукмдорлар эса махсус ўлдирилган яқинлари кузатувида бориши керак, деб ҳисобланган. Баъзи бир қадимги халқларнинг ҳукмдорлари ҳатто ўликдош деб аталадиган алоҳида яқин кишиларга ҳам эга бўлишган. Бундай кишилар ҳукмдорнинг барча ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланишган, сиёсатда катта ваколатларга эга бўлиб, ҳукмдорнинг энг яқин сафдошлари ҳисобланган, бироқ ҳукмдор вафот этса ёки ҳалок бўлса, улар ҳам ҳукмдорни сўнгги йўлга кузатиб қўйиш ва нариги дунёда ўз хизматларини давом эттириш учун ўлдирилган. Марҳумнинг қабри нариги дунёга йўлнинг бошланиши деб ҳисобланган.

Дафн маросимининг, хусусан, ҳинд-европа тил гуруҳига кирувчи қадимий халқлар, шунингдек туркий халқлар орасида, яна бир удумига кўра марҳумларни махсус гулханда куйдиришган. Гулхан алангаси ва тутуни марҳум руҳини фаллакка кўтариб кетади деб ўйлашган, зеро бу қадимги халқлар тасаввурида нариги дунёга етишнинг энг тўғри йўли ҳисобланган. Куйдириб бўлгач, дафн гулханининг кули қабрда сақланган. Ҳозирги замонда марҳумларни кремация қилиш удуми ана ўша замонларга бориб тақалади.

Бронза даврида Марказий Осиёда яшаган, скифларнинг ҳам аждодлари бўлган қадимий ҳинд-арий қабилалари кўпинча ана шу удумга риоя қилишган. Улар бу удумни Ҳиндистонга олиб боришди ва у ерда бу удум ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Ҳиндуизм дини мифологиясида ажал илоҳи айнан Агни деб аталади, марҳумлар унинг

қурбони ҳисобланишади, фалакка кўтариб кетиш учун Агни алангаси уларни еб битиради. Удумга биноан марҳумнинг қурол-яроғи ва буюмлари у билан қўшиб ўтда куйдирилган. Қадимги юнонлар ўзларининг машҳур қаҳрамонларига қўшиб уларнинг ўлжаларини ҳам куйдиришган. Бундай кишилар билан бирга уларнинг отлари ва хизматкорлари ҳам куйдирилган.

Қадимги ҳинд-арийлар эса, афтидан, марҳумларнинг хотинларини ҳам қўшиб ёқишган. Бу удум Ҳиндистонда яқин-яқинларгача сақланиб келган. Беванинг эри билан биргаликда ёниш учун гулханга кириш маросими сати деб аталган, у Шива йўлида ўзини гулханда ёққан илоҳ исмидан олинган. Лекин ҳозирги ҳиндулар одатларига кўра, бева тайёрланган ўтин устида ётқизилган марҳум ёнига чиқиб, у билан видолашгандан сўнг гулхан ёқилади.


Ўрта Осиё воҳа ва шаҳарларида яшаган қадимги халқлар эса ўз марҳумларини бошқача маросим бўйича дафн этишган. Археологлар ушбу минтақада XIX асрнинг охиридан бошлаб, марҳумларнинг жасади аввал этдан тозаланиб, сўнг уларнинг суяклари махсус хум ёки тўртбурчак сопол қутиларга солинган ҳолда ерга ёки эски иншоот вайроналарига кўмилганини топа бошлашди. Фанда эса суякларни этдан тозалаб дафн этиш Заратуштра таълимоти издошларигагина мансуб эди. Зардуштийлик энг қадимий динлардан бири. Унинг тарафдорларини оташпарастлар ҳам деб аташган. Ҳозирги замонда бу таълимот тарихининг энг йирик тадқиқотчиларидан бўлмиш Мери Бойснинг хулосаларига кўра, бу дин асосчиси Заратуштра Спитама уруғидан чиққан ва Марказий Осиё чўлларида бундан 3,5 минг йил илгари яшаб ўтган.

Инсоният тафаккур тарихида Зардушт илк бор бу дунёнинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам борлигини эълон қилди. Заратуштрага қадар коинотда ҳаётнинг доиравий айланиши тасавури тарқаган эди, унга кўра марҳумнинг руҳи ер ости дунёсида соя шаклида мавжуд бўлади ёки кейинчалик янги бир тирик мавжудотга ўтади, дейиларди. Агар инсон дунёда тақводорлик билан ҳалол яшаган бўлса, унинг руҳи юксак жонзотларга ўтади, агар инсон номуносиб яшаб ўтган бўлса, унинг умри анча ту-



бан жонзотларга, ҳайвон ёки ҳашаротларга ўтади деб ҳисобланган. Ва бу руҳи равон доиранинг ниҳояси бўлмаган. Бундай тасаввурлар, масалан, ҳиндуизмда сақланиб қолган, унга кўра сансара яшаб ўтилган ҳаёт якунига кўра натижаларни англатади, карма эса боқий руҳнинг интиҳосиз доиравий ҳаракатини ифодалайди. Нариги дунёдаги жаннат ва дўзах ҳақида тасаввурлар бўлмаган. Ҳаётнинг бундай доиравий шакли Зардушт томонидан инкор этилди ҳамда у ибтидо ва интиҳодан иборат янги ҳаёт андозасини таклиф этди.

Зардуштийлар ёки Заратуштра издошлари ўзларини беҳдинон (яъни яхши дин издошлари) деб атаган бу таълимот бўйича ҳозирги замон дунёси тўлиқ эзгулик ва ёвузликнинг курашидан иборат. Зардуштийликнинг космогоник ва теогоник (фазо ва худоларнинг келиб чиқиши) қарашларига кўра оламнинг ибтидосида фақат абадий замон — Зурван мавжуд бўлган. Зурван бирон-бир эзгу иш қилиш ҳақидаги фикрга келгунча орадан сонсаноксиз йиллар ўтиб кетди, ниҳоят у қурбонлик қилиш ҳақидаги қарорга келди. У эзгу ният йўлида қурбонлик қилар экан, унинг ботинида ўғли — эзгулик, ёруғлик ва билим худоси Ахурамазда пайдо бўлди. Бироқ Зурван кўнглида ўз қилган қурбонлигининг оқибатидан бир шубҳа бор эди ва бу шубҳа натижасида унинг ботинида хуш бўйлар таратувчи мунаввар ва гўзал Ахурамазда билан биргаликда иккинчи ўғли — жоҳил, ёвуз ва вайронгар Ахриман ҳам вужудга келди. У Зурван Ахурамаздани дунёнинг эгаси қилиш ниятида эканлигини пай-қаб, Зурван қорнини ёриб биринчи бўлиб бу дунёга отилиб чиқди. У жоҳиллик, ҳасадгўйлик ва рашкчилиги билан ажралиб турарди. Ўз шубҳаларидан туғилган даҳшатли ўғли Ахриманни кўрган Зурван иккинчи бўлиб Ахурамаздани дунёга келтирди ва бу иккала ака-ука эгизаклар ўртасида ҳаёт-мамот кураши бошландики, бу кураш ушбу оламнинг ибтидосидан интиҳосига қадар давом этади. Ва бу олам тўлиғича эзгуликнинг ёвузликка қарши кураши ҳосиласидир. Ахурамазда эзгуликнинг мукамал оламини, абадий ҳаёт ва адолатни қарор топтиришни ният қилди. Бироқ у ушбу мукамал оламнинг моддий инъикосини



яратишни бошлаган пайтда Ахриман унинг ижодига бос-тириб киради ва Ахурамазда яратган барча нарсаларга зиён етказди. Ахурамазда ер, қуёш, ой ва юлдузларни яратди. Ахриман эса қасдма-қасдига ерда тоғларни, самода эса замин ва инсонлар тақдирига таъсир кўрсатиб ҳаракатланувчи сайёраларни яратди. Ахурамазда фойдали ўсимлик ва жониворларни яратди, Ахриман эса заҳарли ва бегона ўтларни, хавfli жониворларни, йиртқич ҳайвонлар, илон-чаёнлар, қурбақа ва зарарли ҳашаротларни яратди. Ахурамазда кишиларни яхшилик, билим ва бойлик учун яратди, Ахриман эса уларга ўлим, касалликлар, қашшоқликни, хусусан юқумли касалликлар тарқатадиган Наса деган йирик зарарли пашшани юборди. Зардушт таълимотига кўра эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги оламшумул курашда инсон олий хилқат сифатида илоҳий эзгуликнинг, ёруғлик ва билимнинг сафдоши бўлмоғи лозим, зотан у эзгулик ва ёвузликнинг чегарасига қўйиб қўйилган. Туғилганидан то ўлимига қадар инсоннинг ўнг елкасидан яхшилик фариштаси, сўл елкасидан эса иблис чарх уриб туради. Яхшилик фариштаси инсонни эзгу ишлар қилишга, виждон амри билан яшашга, барча яхши нарсаларни севишга чорласа, ёвузлик фариштаси ёмон фикр-ўйларга бошлайди, кўнгилларга ялқовлик, ҳасад, очкўзлик ва бошқа тубан туйғулар уруғини сочади. Шу тариқа ҳар бир инсон кўнгли ҳам эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш майдони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзининг эзгу ўй-фикрлари, сўз ва амаллари билан ёвузликка қарши ашаддий курашиб, эзгуликнинг оламшумул ғалабаси сари интила бориш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Ёвузлик мағлубиятга маҳкум, инсон зиммасига эса эзгуликнинг узил-кесил ғалабасини таъминлаш ва заминда Ахурамазда назарда тутган мукаммал олам — жаннатни қарор топтириш учун илоҳиёт билан ҳамкорлик қилиш вазифаси юкланган.

Бу юксак ғоя инсон ҳаётига мазмун бахш этди ва таълимот издошлари қалбига ишонч жо қилди, чунки, бу таълимот ҳар бир инсонга эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашдан иборат оламшумул жараённинг оқибат натижаси учун масъулият юклади.

Ахриманнинг барча жонзотларга олиб келган энг асосий ёвузлиги ўлим, айниқса инсон ўлимидир. Ўлим туфайли инсон Ахурамазда ва Ахриман ҳукмронлик қиладиган, жаннат ва дўзах дея иккига бўлинган нариги дунёга бориб тушади.

Ахурамазданинг макони нур ва билим бахш этувчи арши олий бўлиб, Ахриманнинг макони эса ер қаъридаги қопқора зулмат ва абадий совуқлик дунёсидир.

Дунёдан кўз юмган ҳар бир кишининг руҳи қабр синовидан ўтади, бунда Митра, Сраоша ва Рашну илоҳлари инсон руҳининг бу дунёда қилган барча эзгу ва ёвуз амалларини тарозида тортиб кўришади. Агар руҳнинг эзгу амаллари оғир келса, у бу дунё билан нариги дунё ўртасидаги кўприкдан ўтиб жаннатга тушади, мабодо руҳнинг бу дунёда қилган ёвузлик ва барча ёмонликлари оғир келса, бу кўприк қиличнинг дамидек ингичка бўлиб қолади ҳамда гуноҳкорнинг руҳи дўзахнинг зулматли қаърига қулаб тушади, бу зулматда эса уни ёвуз алвасти кутиб олади.


Зардушт таълимотига кўра бу синовдан ташқари бутун олам ва инсониятни сўнгги синов — қиёмат куни кутиб турибди, ана ўша кунда халоскор Саошинят келади ва бутун дунёда эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Барча ўтганлар тупроқдан бош кўтаришади, суякларга тагин эт битади. Ахриман ўз салтанати билан янчиб ташланади. Олов худоси Атар шифо ва дўст-биродарлик худоси Аирйаман билан биргаликда тоғлардаги барча темирларни эритиб юборишади, барча жонзот ана шу оловли лавадан ўтади, «иймонлилар учун у худди эндигина соғилган сут кабидир», гуноҳкорлар эса маҳобатли қиёмат кунининг бу оловли лавасида дўзах билан биргаликда куйиб кетишади.

Оламни покловчи ва Ахриманни ҳалок этувчи ана шу буюк фалокатдан сўнг бу дунёда Ахурамазда дастлаб ният қилган жаннат қарор топади, барча кишилар ўй-фикрларида, сўзларида ва амалларида яқдил бўлишади. Касалликлар ва азоб-уқубатлар барҳам топади, абадий адолат, мукамаллик ва ҳақиқат қарор топади. Ёруғлик ва билим худосининг дастлабки ниятига эришуви маъносида ана шу тариқа бу дунё тараққиёти ниҳоясига етади. Зардуштнинг

эзгулик, ҳалоллик, жаннат ва дўзах адолати ҳамда қиёмат куни ҳақидаги бу юксак таълимотининг моҳияти кейинчалик яҳудий, масиҳий ва ислом динларига ҳам кўчиб ўтди.

Зардуштийлик физикаси, космогонияси, хронологияси ва этикасининг илк юнон фалсафасига таъсири аллақачон ўз исботини топган. Зардуштийларнинг ҳақиқат ва адолат каби жиддий ҳис-туйғулар билан ажралиб турадиган маросим ва урф-одатлари ичида уларнинг дафн маросимлари қадим-қадимдан эътиборни жалб этиб келган. Зардуштийлар учун ўлим жуда жиддий ҳодиса ҳисобланса-да, бироқ бу ҳодисага фожиа деб қаралмаган. Бу инсон руҳининг нариги дунёга кўчиб ўтиши бўлиб, зардуштий эзгу амаллар қилиши билан бунга бир умр тадорик кўриб, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишига ўзининг имкон қадар ҳиссасини кўшиб борган.


Зардуштийлар тасаввурига кўра, моддий олам тўрт муқаддас унсур — ўт, тупроқ, сув ва ҳаводан ташкил топган. Шу боис Ахурамазда яратган неъмат сифатида уларни пок сақлашган ва улардан оқилона фойдаланиб келишган. Бу муқаддас унсурларни ҳаром қилиш ёки булғаш гуноҳи кабир ҳисобланган. Марҳумнинг жасади ҳаром саналгани учун уни ерга кўмиш, куйдириш ёки сувга чўктириш гуноҳ бўлган.



Ерқўрғон даҳмаси тахминий тикланган лойиҳасининг умумий кўриниши, эрамизгача II аср.

Дастлабки даврларда зардуштийлар ўз мархумларининг жасадларини чўққилар ва тоғ-тошлар устида қолдиришган, орадан маълум муддат ўтиб, йиртқич қушлар ва ҳайвонлар уларнинг этини еб битириб, суякларини ёмғир ювиб, қуёш ва шамол қуритганидан сўнг, суяклар йиғиб олинган ҳамда алоҳида идишларга солинган ҳолда ёки шундайлигича махсус биноларда сақланган ёхуд вайроналарга кўмилган, баъзан эса жасад ўз жойида қандай бўлса, шундайлигича қолдирилган. Кейинчалик, айниқса табиий тоғ ва қир-адирлар бўлмаган яссиликларда бурж шаклидаги махсус иншоот — даҳмалар қуришган. Даҳмаларнинг тепасидаги тош ёки гиштдан қилинган махсус майдончаларга мархумларнинг жасадларини тахлаб қўйишган. Бироқ фанга маълум энг қадимги даҳмалар нари борса V—VI асрларга мансуб эди, холос. Қадимги Сўғдиёнанинг жануби ҳисобланмиш Қарши воҳасининг пойтахт шаҳри Ерқўрғон вайроналари жойлашган ердаги қазисма ишлари олиб борилган бир тепалик зардуштийларнинг дунёдаги энг қадимий даҳмаси қолдиқлари бўлиб чиқди. У эрамиздан аввалги II асрларда бунёд этилган бўлиб, бир оз фойдаланилгандан сўнг кўмиб ташланган.

Иншоот юксак иморат шаклида бўлиб, унинг тепа қисмидаги тош териб ишланган очиқ майдончага суякларни тозаланиши учун жасадлар тахлаб қўйилган. Ушбу тошлар орасидан одамнинг ушоқ суяклари ва тишлари топилди. Ташқи зинапоядан бу иншоот тепасига чиқилган. Кунчиқар томондан даҳманинг марказий буржига тақаб қурилган майдонча бўлиб, бу майдончадан синиқ сопол идиш ичидаги калла суягининг қолдиқлари топилди. Кунботар томондан ҳам даҳмага тақаб қурилган пастроқ яна бир майдонча бўлиб, унинг остига пиширилган гишт терилган. Бу майдонча дафн маросимларини ўтказиш учун



Ерқўрғон даҳмасидан топилган одам бош чаноғи ва найсимон суяклари солинган хумча, эрамизгача II асрлар.

хизмат қилган. Бу иншоот Сўғдиёнада мамлакатни Александр Македонскийнинг Юнон-Бақтрия салтанати ворисларидан бўлмиш базиевслардан тортиб олиб, ўз ҳокимиятини ўрнатган сак ҳукмдорлари даврларига мансубдир. Ерқўрғондаги бу даҳма, афтидан, бутун шаҳар аҳолисига эмас, балки фақат воҳа ҳукмдорларига хизмат қилган. Айни пайтда у эрамиздан аввалги II асрларгача бўлган Нахшаб аҳолиси Заратуштра таълимотига амал қилганлигини кўрсатади.

Қадимий юнон манбалари, шунингдек то бугунги кунга қадар Самарқанд ва Бухорода, Нахшаб (Қарши) ва Кеш (Шахрисабз)да шаҳар халқи ёки ўтроқ аҳоли дафн этилган махсус қабристон ёки алоҳида қабрларнинг топилмаганлиги ҳақидаги археологик далилнинг ўзи ҳам Ўрта Осиё минтақасида, шу жумладан Сўғдиёнада қадим-қадимлардаёқ зардуштийлик кенг тарқалганлигини кўрсатади. Бироқ эрамиздан олдинги I асрнинг биринчи ярми ва ўрталарига мансуб маданий қатламларда сочилиб ётган одам суяқларининг топилиши қадимги Сўғдиёна ва унга қўшни айрим мамлакатлар аҳолиси зардуштийларнинг мархумларни очиқ жойда қолидириб кетиш одатини қўллаганлигини исботлайди.

Шу муносабат билан Заратуштра пайғамбарнинг ватани ва у яшаб ўтган давр масаласи яна кўндаланг бўлади. Кўпгина мамлакатларнинг олимлари, мана бир асрдан ошдики, ҳамон Заратуштранинг ватани ва у яшаб ўтган давр масаласида баҳс юритиб, унинг ватани деганда шимолда Россиянинг жанубидан тортиб Қозоғистонгача, жанубда эса Эрондан тортиб Сеистонгача бўлган жойларга нисбат бериб келмоқдалар. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг ўзида эса бу пайғамбарнинг умри қадимги арийлар ва турлар (Ўрта Осиёдаги скифлар) қабилалари орасида ўтганлиги айтилади. У ўз ватанида тан олинмагач, Виштаспа салтанатига қочиб боради ва бу ерда қўллаб-қувватланади. Виштаспа Бақтрияда (Амударёнинг юқори оқимларида) ҳукмронлик қилганлиги тахмин этилади.

Яқинда Ўрта Осиё тарихи бўйича йирик мутахассислардан бири И. В. Пьянков бир ёзма паҳлавий ривоятдаги Заратуштра отасининг уйи Дарежа дарёсининг юксак соҳилида жойлашганлиги ҳақидаги хабарга ўз эътиборини қарат-

ди, Поломей бу дарёни қадимдан Самарқандни суғориб келган Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи бўлмиш Дарғом ирмоғи билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Шуниси қизиқки, бу қадимги ирмоқ номи бугунга қадар сақланган. Зарафшон дарёси бошланадиган кўл ҳам ҳозирга қадар Кўли Дарёча деб аталади. Шунингдек, Самарқанд воҳасидан Заратуштра яшаб ўтганлиги тахмин қилинаётган даврга мансуб қадимий қишлоқларнинг излари топилган. Шундай қилиб, Зардуштнинг асл ватани ҳақидаги бу янги фараз бугунги кунда анча ишончли бўлиб кўринади, зеро «Авесто»да Сўғдиёна Ахурамазда томонидан инсон тирикчилик қилиши учун яратилган энг яхши ва мўътабар кешварлардан бири сифатида эслаб ўтилади.

### ЕРКЎРҒОН ИЛОҲАСИНИНГ СИРЛИ ТАБАССУМИ


Қадимги одамларнинг моддий маданияти тарихига оид камёб ва узук-юлуқ ашёларни тадқиқ этар экан, археологлар қадимий жамоалар маданий тараққиётининг умумий манзарасини яратиш учун ўз кабинетларида китобларга шўнғиб замонла макон бўйлаб тез-тез фаройиб интеллектуал саёҳатлар қилишларига тўғри келади. Турли даврлар ва минтақалар ҳақидаги материалларни қиёслаш натижасида умумий манзаранинг етишмай турган бўғин ва деталларини тиклашга ёки топилган янги конкрет топилма асосида бутун бир маданият манзарасини яратишга имкон берувчи бундай назарий изланишларсиз тадқиқ этилаётган давр тарихий ва маданий тараққиётининг умумий жараёнларини тиклаш мумкин эмас.

Ана шундай қадимги руҳоний тасаввурлар оламига саёг, изланиш ва уларни тиклаш ишларидан бири қадимий Ерқўрғон шаҳар эҳромида олиб борилган қазिशмалар билан боғлиқ эди.

Араб географлари ва тарихчилари ёзиб қолдирган манбалар Сўғдиёнадаги шаҳар ва қишлоқларда аҳоли ўз диний маросимларини ўтказадиган, сиғинадиган бут-санам эҳромлари, олов эҳромлари ҳақида маълумот беради. Бироқ булар қандай илоҳлар бўлган, улар қандай номлар билан аталгани ҳақида манбаларда ҳеч нима дейилмайди.

Ўрта Осиёда исломгача бўлган илоҳлар ва худолар тизими ҳақида ҳозирги замон фанига жуда оз нарса маълум. Сурхондарё водийсини ҳам ўз ичига олган Кушон империяси худолари тизими ёки асосий илоҳлар гуруҳи ҳақида Кушон тангаларидаги маълумотлар мавжуд. Одатда бу тангаларнинг орқа томонида илоҳлардан бирининг антропоморфик (одамсимон) тасвири акс эттирилган ва номи ёзиб қўйилган. Кушон чақаларидан аниқланган 33 илоҳ тасвиридан шу нарса аён бўладики, улар асосан зардуштийлик аңыз-аналаридаги илоҳлардир. Шунингдек Будда, баъзи бир ҳинд, юнон, рим ва қадимги эрон илоҳларини акс эттирган тангалар ҳам учрайди. Бироқ муҳими шундаки, Кушон империясининг сўнгги давларида зарб қилинган ва камдан-кам учрайдиган тангаларда Эрон зардуштийлари сиғинадиган Ахурамазда, Ардвисура, Анахита каби асосий илоҳлар тасвири аҳён-аҳёнда акс эттирилган.

Сўғдиёнанинг қадимий давларидаги тангаларда бундай маълумотлар учрамайди. Ёзма ва археологик манбалардан Хоразм, Самарқанд ва Панжикент худудларида Нана илоҳасига



Ерқўрғон эҳромининг III-IV асрларга мансуб қурбонгоҳи.



сифингани маълум. Унинг исми жуда қадимги Месопотамия илоҳаси Инанна-нинг номидан келиб чиққан, бироқ, афтидан, унинг қиёфаси Бақтрия, Сўғд ва Хоразм, шунингдек Шарқий Туркистондаги қадимий аҳоли тасавурида зардуштий худолар тизимида учрайдиган маҳаллий замин илоҳаси Спандармат қиёфаси билан бирикиб кетган. Шарқий Туркистондан топилган ана шу илоҳа тасвири остига унинг ҳар иккала номи — Нана — Сандрадат, яъни Спандармат ёзиб қўйилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Худоларнинг бундай синкретизми ёки турли этиқодлардаги бир-бирига яқин вазифани бажарувчи икки илоҳ қиёфасининг қўшилиб кетиб бир илоҳ қиёфасида тажассум топиши Шарқ маданияти тарихида тез-тез учрайдиган ҳодисадир. Жумладан, Александр Македонскийнинг Шарққа юриши натижасида эрон илоҳи Митра юнонларнинг Гелиоси билан, Ахурамазда эса Зевс билан бирикиб кетган ва ҳоказо.

Еркўрғонда олиб борилган қазилмаларда III-VI асрларга мансуб шаҳар эҳроми энг муҳим объектлардан бири бўлди ва ундан лойдан ишланган аёл илоҳанинг синиқлари топилди. Эҳромни такрор-такрор таъмирлаш ва қайта қуриш жараёнларида илоҳларнинг ёғоч синчлар устига лойдан ясалган ва бўёқ берилган ҳайкаллари синдирилиб, девор ва пол остига суваб юборилган, ибодатхонанинг бош меҳробига эса янгидан ясалган ҳайкаллар қўйилган. Бизгача ушбу илоҳлардан учтасининг турли даврларда ясалган бўлаклари етиб келган. Шундай қилиб, ушбу эҳром аёл илоҳага бағишлаб бунёд этилган. III-VI асрларда у мазкур шаҳар ва бутун Қарши воҳасининг ҳомийси ҳисобланган.

Юнон-рим ва арабларнинг тарихий манбаларига кўра Ўрта Осиё Эрон билан биргаликда зардуштийлик кенг ёйилган минтақа бўлган. Қадимий қўшнилари Эрон ва Туронни оташпарастрлар деб аташган. Зардуштий худолар тизимидан икки асосий аёл илоҳа — замин ва ҳаёт илоҳаси Спента-Армаити ёки Спандармат ҳамда сув, намлик ва му-



Еркўрғон эҳромидаги V асрга мансуб исириқ тугатиладиган ваза.

ҳаббат илоҳаси Анахита-Харахвати-Ардвисура маълумдир. Ер-қўрғондаги илоҳа тасвирида бу худолардан қайси бири ўз аксини топган бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб топиш учун эҳромдаги бу илоҳаларнинг мазмун-моҳияти ва вазифасини аниқлашга ёрдам берувчи бир қатор буюмларнинг топилмалари археологлар учун муҳим аҳамиятга эга эди. Жумладан, эҳром ибодатхонасидан илоҳлар ҳайкаллари-нинг синиқлари билан биргаликда ақиқдан ишланган Силен тасвири ва қурбақа ҳайкалчаши, қўрғошин қоришмасидан қуйиб тайёрланган, илон шакли, бир қанча бронза кўзгу ва олтиндан типратикан шаклида ясалган чоғроқ кулон топилди.

Қурбақа, юнон мифологияси персонажларидан бири бўлмиш Силен ва илон сув унсури билан алоқадордир. Қадимий тасаввурларда кўзгу ҳам сув билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Косадаги сувдан кўзгу сифатида ҳам фойдаланилган. Қадимги кишилар кўзгу сирли нариги дунёни акс эттира олади деб ўйлашган. Бу кўпгина халқларнинг эртакларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, уларда бош қаҳрамон ўзининг йўқотиб қўйган севгилисини ёки у дунёдаги отонасини кўзгу орқали кўради. Косадаги сув ҳам ана шу вазифани бажарган, сувга боқиб фол кўриш одати ўшандан қолган.

Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг бронза давридан тортиб то ўрта асрларгача бўлган археологик ёдгорликларидан қурбақа тасвири учраб туради. Ригведанинг қурбақага бағишланган мадҳиясига биноан, қурбақа самовот билан боғлиқ, ёмғирлар мавсумида пайдо бўлади. Тупроқ ва сув кучларининг рамзи — илон қадим-қадимдан Ўрта Осиё диний маросимлари ва тасвирий санъатида мавжуд бўлган. Ривоятларда ХХ асрга қадар илон образи ҳосилдорлик билан боғлаб келинган. Кўп ҳолларда илон афсонавий Аждар ёки Ажидаҳок билан боғлаб талқин этилган. «Шоҳнома» асарида тасвирланишича, Эроннинг қадимий афсонавий шоҳларидан бири бўлмиш Ажидаҳок (Заҳҳок)нинг қилган гуноҳлари учун икки елкасидан ебтўймас иккита илон ўсиб чиққан.

Илон ёки аждаҳо образи Ўрта Осиё кўчманчилари тасвирий санъатининг типик мотивларидан бўлган. Бу персо-

наж ўрта асрлар фольклоридан ҳам кенг жой олган. Зардуштийликнинг илонга бўлган салбий муносабати ва ислом ақидаларининг жонли мавжудотни чизишни тақиқлашига қарамай, Туркменистоннинг Анов шаҳрида XV асрда бунёд этилган масжид пештоқини икки ажойиб аждаҳо тасвири безаб турибди. Фарба юнон ва римликлардан тортиб Шарқда Ҳиндистон ва Хитойга қадар бўлган кўпгина қадимий халқлар асотирларида илон ёки аждаҳо намлик кўриқчиси деб ҳисобланган.

Ерқўрғон эхромидаги пакана бўйли, гротеск услубида шишиб чиққан қорин, каттакон бош ва эчкисимон кулоқларга эга бўлган Силен тасвири — юнон мифологиясидаги сув унсурининг қуйи мартабали илоҳидир.

Шундай қилиб, Ерқўрғон эхромидан топилган илоҳа билан боғлиқ бу ашёвий далиллар унинг моҳиятан сув билан алоқадорлигини кўрсатади. У сув худоси бўлиб, юнон ва мисрликларнинг сув худолари бўлмиш Афродита ва Изидага ўхшаб кетгани ҳолда, афтидан, айна пайтда у муҳаббат, фарзанд кўриш ва ҳосилдорлик ҳомийси ҳам ҳисобланган.

Қадимги Ўрта Осиёда ўзига хос ўрин тутган зардуштийлик динида ҳам худди шунга ўхшаш образ маълумдир. Бу илоҳанинг номи Харахвати Ардвисура бўлиб, сифати Анахита, яъни бокира демакдир. Анахита ўзига бағишланган муқаддас мадҳиялар — Яштларда соҳибжамол, улуғвор ва ёлғиз қиз сифатида тасвирланади, бироқ унинг сув жониворларидан йўлдошлари бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Бинобарин, зардуштийлар космологиясида илон ва қурбақа нопоклар гуруҳига мансуб бўлиб, ёвузлик ва зулмат худоси Ахриманга бўйсунушади, шунинг учун ҳам улар эзгулик, муҳаббат ва намлик худоси Анахитанинг рамзий йўлдошлари бўлиши мумкин эмас эди. Бунинг устига, мутахассисларнинг аниқлашича, Анахитага асосан Ўрта Осиёнинг жанубий минтақасида — Сеистонда ҳамда Эронда топинишган.

Ерқўрғондан топилган бу илоҳага ўхшаш образ борасидаги изланишлар бизни тўлиқ кўринишда шаклланган қадимги Шимолий Ҳиндистонда веда эътиқод-асотир аъналари оламига бошлаб боради. Ҳинд мифология тизимида

сув унсурининг вакиллари бўлмиш илон ва аждаҳолар сув худоларининг рамзий йўлдоши бўлиб ҳисобланган. Шимоллий Ҳиндистоннинг буюк сувлик илоҳаси бўлмиш Ганга ҳам Макара деган аждаҳо устида тик турган ёки ўтирган ҳолда тасвирланган.

Марказий Осиё қадимги тасвирий санъатидаги ўхшаш образларни топиш борасидаги изланишлар шуни кўрсатдики, Ерқўрғондан топилган илоҳа истисно мисол эмас экан, аждаҳо устида ўтирган илоҳа тасвири Панжикент эҳромининг деворий суратларидан, Жанубий Афғонистондаги Хадда барельефларидан ҳам топилди. Қадимий Марвда оёғи остида илон ёки аждаҳо ётган аёл илоҳларнинг терракота ҳайкалчалари кенг тарқалган. Афтидан, Кушонлар даврида қадимий Бақтрияда ҳам илон билан тасвирланган илоҳалар қадрланган. Жумладан, антик давр шаҳри харобалари Далварзинтепадаги эҳромдан қўлига илон шаклидаги билагузук таққан аёл тасвири топилган.

Сўғда бу илоҳага бўлган сифинишнинг манбалари қаерда ва нега айнан Ҳиндистондан ана шу илоҳага ўхшаш илоҳалар топилмоқда?

Ҳиндларнинг Ганга ва эронийларнинг Ардвисура Анахита образларини ўрганиш бу илоҳаларнинг яқинлигини намоён қилади. Веда мифологиясида Ганга самовий дарё сифатида тақдим этилади, шу жиҳати билан у Ардвисуранинг ақидавий моҳиятига мос келади, «Авесто» ва Ригведа бўйича уларнинг ҳар иккаласи барча жонзотларга сув ва самара бахш этган ҳолда дунё тоғларидан ерга оқиб тушиб, жаҳон уммонига қўшилиб кетишади.

Юнонларнинг Афродитаси ҳам дастлаб ой, юлдуз ва ёмғир илоҳаси бўлган. Сув илоҳасининг аждаҳо билан тасвирлаган шунга ўхшаш образлари славян мифологиясида ҳам учрайди.

Ардвисура ва Ганга доирасидаги мувозийликлар тасодиф эмас. Зардуштийликнинг атоқли тадқиқотчиларидан бири Х. Нюберг дастлаб Ардвисура Анахита Сирдарё бўйлари яшаган сакларнинг дарё илоҳаси бўлган деб ҳисоблайди. Сирдарё эса ўрта асрларда Канг дарёси деб аталган. «Шоҳнома»да Кангдиз ёки Гангдиз Гулзориюннинг ёхуд Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган дейилади. «Авесто»га қўра,

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Кангха деган муқаддас тоғ ва шу номдаги мамлакат бўлиб, унда Дану (бу Сирдарёнинг юнонча атамаси бўлмиш Та-наисга мос келади) турлари яшашган. Хитой манбалари бизнинг эрамиз арафаларида Сирдарё бўйларида Кангюй давлати мавжуд бўлганлигидан хабар беради. Бунинг яна бир шаҳодати — Оҳангарон дарёси соҳилларида жойлашган Тошкент воҳасидаги қадимий энг катта шаҳар номининг ҳам Канка деб аталишидир.



Еркўрғон эҳромидан топилган IV асрга мансуб типратикан шаклидаги олтин кулон.

Шундай қилиб, Канг ёки Ганг топоними қадимда форс манбаларида сак, юнон манбаларида скиф, хитойликларда эса сэ деб аталган қабилалар яшаб келган Сирдарё ўрта оқими ўнг соҳиллари билан боғлиқ. Қадимий «Авесто» ёдгорлигида Сирдарё соҳилларида яшаган аҳоли турлар деб аталган.

Сирдарё ҳавзаси ва Шимолий Ҳиндистондаги қадимий жуғрофий номларнинг ўзаро боғлиқлиги улар ўртасидаги маданий алоқаларнинг жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади, бинобарин, бу алоқалар юқорида айтиб ўтилган илоҳа эҳроми топилган Сўғдиёна орқали ўтган.

Хуллас, қадимги Ўрта Осиёда зардуштийларнинг Ардвисура Анахитаси ҳақида бирон-бир маълумот учрамаса-да, йўлдоши сув жонзотлари бўлмиш соҳибжамол аёл образидаги сув илоҳаси бу ерда маълум бўлган. Бу ўринда биз ҳиндларнинг Гангасига ўхшаб кетадиган сув илоҳаси ҳақидаги асотирнинг янада қадимийроқ нусхасига эгамиз.

Ўрта Осиёдаги қадимий эроний қабилаларнинг жануби-ғарбга, ҳозирги Эрон минтақаларига силжиши натижасида келиб чиқишига кўра, Ўрта Осиё дарё илоҳасига бориб тақаладиган зардуштийларнинг Ардвисура Анахитаси ҳам дастлаб ўзининг сув жонзотларидан иборат йўлдошларига эга бўлган. Анахита мадҳиясида эслаб ўтиладиган аждаҳо Гандарва образи ҳам ана шундан далолат беради. Афтидан, ўзининг илк ватани Ўрта Осиёдан қадимий эро-



Еркўргон эхромидаги IV асрга мансуб маъбуда ҳайкалчасининг бош қисмидан парча.



Еркўргондаги III асрга мансуб либоснинг чоркунж ҳошияси ичига зарб қилинган олтин бургут шакли.

ний қабилалар кўчириб борган Анахита образи Яқин Шарқдаги Нана ва Иштар каби буюк илоҳалар таъсирида, шунингдек, мубадларнинг зардуштийликни дуалистик таълимотига айлантириш мақсадида асрлар давомида киритган таҳрирлари натижасида жиддий ўзгаришларга учраган. Натижада Анахита ўзининг дастлабки архаик йўлдошларидан, шу жумладан, Гандарвадан ҳам жудо бўлган, гарчи мадҳия матнига кўра, у Анахита дарёсининг сувларида яшаса-да. Аммо Анахитага бағишланган минглаб, юз минглаб қўй ва қорамолларни сўйишдан иборат қурбонлик маросими ўзининг дашт-чорвадорлик характерини сақлаб қолган.

Ҳинд мифологиясида эса қадимий ҳинд-европаликларнинг сув деви бўлмиш Гандхарва ўз моҳиятини сақлаб қолган. У сув мабудаси Апсараснинг қонуний умр йўлдоши ҳисобланади. Ўз дуалистик таълимотига кўра бутун оламни эзгулик ва ёвузликка ажратган «Авесто»да Гандарва ёвуз аждаҳога айланган. Сўғдиёнада эса сўғдийлар номларида учрайдиган Гандарва номидан келиб чиқиб, улар ҳам Гандарвага топинишган бўлса керак деган хулоса қиламиз.

Еркўргон эхроми топилмалари орасида зардуштийлик ақидаларига зид келмайдиган ягона образ — бу кулон шаклидаги олтин типратикан тасвиридир. Сичқон, қурбақа, илон ва дон-дунни ташмалаб кетувчи чумолилларнинг кушандаси

бўлмиш типратикан муқаддас жонивор сифатида эъзозланган. Зардуштийлардан ташқари қатор қадимий халқлар, шу жумладан сарматлар ҳам типратиканни эъзозланганлар. Ерқўрғон эҳромидан қурбақа, илон тасвири билан биргаликда типратикан шаклининг топилиши қадимий сўғдларнинг етарли даражада ўзига хос эътиқодий-асотирий тасаввурларга эга бўлганликларини кўрсатади.

Ерқўрғон эҳромининг III қурилиш даврига мансуб сирли жилмайиб турган илоҳа тасвирини безаб турган тўртта қизил рангли гул шаклидаги холлари алоҳида эътиборга сазовордир. Шимолий Афғонистоннинг Дилбаржин ҳаробаси эҳромидан топилган илоҳанинг юзи ҳам шунга ўхшаш гул билан безалган. Кушон давридан бошлаб ҳинд илоҳалари чехрасини ҳам худди ана шундай нуқталар безаб келади. Бироқ Ерқўрғондаги илоҳадан 2000 йилча илгари яратилган, крит-микен маданиятига оид бўлган мақбарадан топилган сирли аёл илоҳа бошининг ва этрусск санъатига оид аёлларнинг гул шаклидаги холлари Ерқўрғон нухасини такрорлайдилар. Олий сиймолар қиёфасини бундай холлар билан безатиш мутахассислар учун антик даврлардаёқ Марказий Осиёдан Европага қадар сочилиб кетган қадимий халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг қолдиқ излари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу холлар қадимий ҳинд-оврупо қабилалари анъанавий рамзи эканлиги ҳақида ирланд эпосида сақланган бош қахрамон — Кухулин унинг тенги йўқлигини рамзи сифатида, иккала юзидаги тўрттадан рангли холи ҳам далолат беради.

Ерқўрғон илоҳасининг қандай ном билан аталганлигини биз билмаймиз. Эҳтимол, Климент Александрийский томонидан қўшни Бақтриядаги худди ана шунга ўхшаш илоҳа эслаб ўтилгандир; бу илоҳа номини у Афродита Танаис деб атайти. Танаис, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Сирдарёнинг қадимий номларидан бири бўлган.

### АЖДАҲО ҲАҚИДАГИ АФСОНА

Одатда қадимий шаҳарларнинг вайроналари атрофида яшайдиган аҳоли орасида ушбу ёдгорликлар, бу ерда яшаб ўтган кишилар ва рўй берган воқеалар билан боғлиқ турфа

афсона ва ривоятлар юради. Қадимий Қарши воҳасидаги ёдгорликлар ҳақида ҳам ана шундай ривоятлар мавжуд. Воҳанинг қадимий пойтахти Ерқўрғон шаҳри вайроналари яқинида ўрта асрлардан бери сақланиб келаётган қабристон ва авлиё Исахон отанинг мозори жойлашган ясси ва кенг бир тепалик бор. Унинг ёнида яшовчи аҳоли ўртасида ушбу тепаликда аждар — ялтиллоқ улкан ёлдор илон яшайди деган ривоят юради. У кечалари ўз ғоридан чиқар ва мабодо бирор кишига дуч келиб қолса, уни ютиб юбориши мумкин экан. Агарда бу кишининг диний илми зўр бўлса, тилсиму дуо билан ушбу даҳшатли илонни ўзига бўйсундириши, илон унинг олдида эгилиб туриши, мазкур киши эса унинг устига ми-ниб олиб истаган ҳукмини юргизиши мумкин эмиш.

Ерқўрғоннинг кулоллар маҳалласидан топилган, тахминан III асрларга мансуб бўлган чоғроқ бир топилма Нахшаб тарихида ушбу афсонанинг анча реал асослари борлигини кўрсатади.

Бу Ерқўрғон ҳукмдори муҳрининг лойга туширилган акси бўлиб, сўнг бу лой пиширилган. Муҳрга қўлида қадимий ҳокимият рамзи бўлмиш қамчи тутганича аждаҳо устида ўтирган ҳукмдор тасвири туширилган. Ҳозирга қадар қамчи Марказий Осиё шомонларининг асосий қуроли ҳисобланади. XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро амири аркининг кираверишида ҳокимият рамзи сифатида каттакон дарра осилиб турар эди.

Муҳрдаги чавандоз ҳукмдор рўпарасида башанг либосдаги илоҳанинг тасвири жойлаштирилган. У бир қўлида чавандозга қадаҳ узатиб турибди, иккинчи қўли билан аждаҳонинг жиловидан ушлаб олган. Ҳукмдорнинг боши узра ой ва юлдуз тасвири бор. Қадимда ва ўрта асрларда мамлакатга ҳукмдорлик тангридан ёки илоҳий кучлар томонидан инъом этилади деб ҳисобланган. Яъни, муҳрда маъбуда тарафдан ҳокимга муқаддас фатвосини берилиши манзараси ифодаланган. Архаик жамиятларга хос бўлган характерли жиҳат яна шундаки, ҳукмдорнинг ўзи бош қоҳин ва илоҳ хизматкори вази-фасини ҳам бажарган. Мабодо шаҳар, мамлакат ёки қабила ҳомийси аёл илоҳа бўлиб ҳисобланса, унда ҳукмдор бу илоҳанинг мистик рафиқи саналган ва муқаддас никоҳ орқали гўё у самовий мавжудотлар доирасига киритилган.



Мухрдаги ҳукмдор тасвири қандай маънони англатади? Модомики, ҳукмдор шаҳар ва мамлакат ҳомийси бўлиши илоҳанинг муқаддас жонивори — аждаҳога миниб ўтирган экан, демак, бизнинг қаршимизда муқаддас никоҳ йўли билан илоҳиётга ноил бўлиш манзараси акс этган деб тахмин қилиш мумкин. Чавандоз қўлидаги қамчи эса, мифологияга биноан мубадлар табақасига алоқадорлик рамзи мазкур ҳукмдорнинг айна пайтда ушбу илоҳа мубади ҳам эканлигини кўрсатади.

Қадимий шарқ ва скиф санъатида илоҳа қўлидан қадаҳ ёки жом олиш манзараси қасамёд орқали илоҳиётга дахлдор бўлиш далилидир. Илоҳлар олдида сўроқ пайти ёки қасамёд қабул қилиш пайтида муқаддас ичимлик ичиш қадимда кенг тарқалган. Манбаларнинг дарак беришича, қадимий улкан салтанатнинг асосчиси Буюк Кир тож кийиш маросимида илоҳлар эҳромида бир жом сут ичган ва бир неча анжир еган, бу билан у қасамёд қабул қилиш орқали мамлакат ҳомийси саналган илоҳага ноил бўлишдан иборат қадимий удумни бажо этган.

Одатда хрестоматик дарсликларда скифларнинг биродарлашув удумлари мисол қилиб биродарлашаётган кишилар ўзларининг бир неча томчи қонлари аралаштирилган ягона қадаҳдан май ичиб қасамёд қилиши келтирилади. Бу қадимий удумнинг акс садолари ўзбекларнинг «қасам ичмоқ», «қасамхўр» деган ибораларида ҳам ўз аксини топган.

Қадимги жамиятларнинг мифологик тафаккурига кўра, ҳукмдорнинг самовий ва заминий дарё сувлари илоҳаси билан муқаддас никоҳ боғлаб аждаҳога миниб олиши самовий ва заминий дарё оқимларини тартибга солиш мақсадини кўзда тутган ҳамда само билан ер ўртасида уйғунликни таъминлаган.

Қадимда аждаҳо намликнинг ва осмон сувларига ҳукмдорлик қилувчи қизнинг сақловчиси деб ҳисобланган. Варахша ва Панжикент санъатида аждаҳо оғзидан фаввора отилиб турганлиги тасвирланган. Ерқўрғоннинг илоҳа эҳромидан топилган илон тасвири ҳам бежиз эмас. Бу шакл ҳам ўз параллелларига эга. Ўртаер денгиздан Хитойга қадар илонга эътиқод намлик ва ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлган. Одатда мисдан ясалган илон шакллари топиниш объекти

бўлиб хизмат қилган. Булар Моисей (Мусо) илони, Гермес илонлари, ҳинд эҳромларидаги мис илонлардир. Хитойда XX асрга қадар илон император каналининг ҳомийси ҳисобланган. Бобилда илон бош худо Мардук (яхудийча Мардухай)нинг рамзи ҳисобланган. Манбаларда келтирилишича, Александр Македонскийнинг онаси ўз ўғлини илондан туққанман деб эътироф этган.

Сўғда аждаҳо Гандарва эъзозланган. Бироқ қадимги Турон ва Эрон мифологиясида бош аждаҳо Аждар («Авесто» бўйича Ажи-Даҳак, «Шоҳнома»да Заҳҳок) бўлган. Бу образ ҳинд мифологиясидаги Ахи, шунингдек, славян-рус мифологиясидаги Ясси ёки Яшчерга яқин туради. Фанда Ажи-Даҳак ёки Ажидахава сўзини дахларнинг аждари деб таржима қилиш керак, чунки у Каспийдаги йирик йиртқич жонивор — осётрнинг афсонавийлашган образини ифодалайди, деган фараз мавжуд. Дахлар эра-мизгача бўлган биринчи минг йилликда шимолий ва шарқий Каспий ҳамда Орол бўйларида яшаган қудратли кўчманчи қабиладир.

Шимолий Афғонистоннинг Тиллатепа деган жойидан топилган, олтиндан осма безак сифатида ишланган сув илоҳаси Ўрта Осиёдаги қадимий тасвирлардан биридир. Бу ашё асли келиб чиқиши Оролбўйи даштларидан, яъни қадимги дахлар авлодидан бўлган ушбу музофот ҳокимларининг қабристонидан топилган. Ушбу осма безакда қўлида сертиш жагини очиб турган каттакон балиқни кўтариб турган ярим яланғоч соҳибжамол аёл тасвирланган. Бу Каспий ва Орол ҳавзаларида яшаган осётрлар гуруҳига мансуб энг йирик сув йиртқичининг анча қадимги ва анатомик аслига мос келадиган тасвирдир. Аждар ёки Аштарнинг анча кейинги тасвирларида у афсонавий илон ёки аждаҳони эсга туширади. Бу образ иконографияси (диний мазмундаги расм, ҳайкал ва тасвирлар)нинг тараққиётида Шимолий Эроннинг Ҳасанлу қишлоғи яқинидан топилган косада тасвирланган уч бошли аждаҳога ўхшаш Қадимий Шарқнинг афсонавий аждаҳолари ва, шунингдек, юнонларнинг думи илонсимон денгиз тритонлари тасвирлари рол ўйнаган.

Мамлакат ҳукмдорининг ёғин-сочинни тартибга солиш, мамлакатнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш мақсадида са-

мовий намлик илоҳаси билан сирли никоҳ боғлаш орқали намликни сақловчи аждарҳо билан бирлашиш мавзуси, афтидан, сак-сўғд мифологик туркумларида бош мавзу ҳисобланган. Бу мавзунинг «Авесто» мифологиясига алоқаси йўқ, у қадимий архаик умумҳинд-европа мифологик туркумларига бориб тақалади. Сак-сўғдлар қаҳрамони Рустам ҳақида Авестода ҳеч гап учрамайди. «Шоҳнома» асарига кўра эса у она томондан аждаҳо Заҳҳокнинг невараси ва мажусий сифатида, зардуштийликнинг душмани бўлиб майдонга чиқади. Шундай қилиб, Ерқўрғон ҳукмдори муҳридаги тасвир сюжети, афтидан, дахлар мифологиясидаги самовий сув илоҳаси ва бу сувнинг муҳофазачиси илон ҳақидаги мавзу билан боғлиқ бўлса керак. Дах-сак мифологияси ва эпосидаги бу сюжетлар сўғд заминиде эпик туркумлашув жараёнларини бошидан кечирган. Афтидан, эзгулик худоси Ахурамазда, ёвузлик худоси Ахриман ва улар ўртасидаги абадий кураш ҳақидаги зардуштийлик таълимоти эмас, балки юқорида келтирилган мифологик тасаввурлар III–V асрларда Нахшаб расмий мафкурасининг туб мағзини ташкил этган. Бундай тасаввурлар гидравлик цивилизациялар деб аталадиган, яъни ҳаётининг фаолиятининг асосини суғурма деҳқончилик ташкил этадиган кўпгина қадимий халқларга хос хусусиятидир.

Хоразмда Анбар она ҳақидаги афсонада сув илоҳаси ва унинг икки йўлдоши тўғрисидаги ушбу асотирнинг бошқа бир талқини сақланиб қолган. Анбар она Хоразмда оналик ва янги ҳаёт, шу жумладан наботот олами янги ҳаётининг бош ҳомийси ҳисобланган, Наврўз айёмида сумалак учун буғдой ундиришда унга мурожаат этишган. Шунингдек, Амударё қайиқчи ва балиқчилари унга алоҳида эҳтиром кўрсатишган, унинг ёғочдан ясалган ҳайкали Амударёдаги кема ва қайиқлар тумшугини безаб турган. Сув соҳиби бўлмиш Эр Хубби, унинг онаси Анбар она ва отаси Ҳаким ота ўртасидаги муносабатлар мавзуси — ушбу тасаввурларнинг кейинчалик исломлаштирилган фольклор вариантыдир. Мазкур асотирнинг бир талқинига кўра Анбар онанинг сеvimли ўғли Эр Хубби (сув Эри) ёки Султон Хубби (сув Султони) отаси Ҳаким ота билан жожевий зиддиятга бориб қолиб, абадий яшаш учун Амударё суви остига тушиб кетади. Асотирнинг

бошқа бир талқинига кўра, уни самовий денгизлар соҳибаси бўлмиш самовий қиз олиб қочиб кетади. Анбар онанинг йўқотиб қўйган ўз ўғли учун бўзлаб йиғлашлари ва уни беҳуда излашлари асотирда алоҳида ўринни эгаллайди.

Амударё илоҳалари ва руҳлари ҳақидаги бу қизиқарли ва жуда қадимий асотирда мазкур афсонанинг ўз мантиғи нуқтаи назаридан у қадар тушунарли бўлмаган, бироқ зардуштийларнинг Ардвисура Анахита ва ҳиндларнинг Ганга (булар ҳам самовий намлик илоҳалари ҳисобланишади) образларига тўғридан-тўғри мос келадиган самовий қиз образи эътиборни жалб этади.

Мифология тузилмаси нуқтаи назаридан шуниси муҳимки, Анбар она ҳақидаги афсонада воқеалар уч персонаж — илоҳанинг ўзи, унинг ўғли ва бу ўғилнинг отаси атрофида кечади. Бундай учлик тузилма қадимий ҳинд-европа намлик илоҳаси ҳақидаги ушбу асотирнинг бошқа талқинлари учун ҳам характерлидир. Жумладан, Ганга Шиванинг қайлиғи ҳисобланади, аммо архаик қолдиқ сифатида унинг тасвири остида сув аждаҳоси Макара сақланиб қолган. Бу таркиб Ерқўрғон ҳукмдорининг муҳри саҳнасида ҳам сақланиб қолган, унда қадаҳ кўтарган илоҳа қаршисида самовий сув соҳибасининг мистик қайлиғи сифатида чавандоз — мамлакат ҳукмдори ва ушбу ўринда Қашқадарё дарёсининг рамзий руҳи ҳамда ҳукмдорга бўйсунувчи персонаж сифатида аждаҳо тасвирланган. Рус мифологиясидаги Садко, Оқбалиқ-ойимча ва Ильмень кўлидаги ғаройиб денгиз махлуқи ҳақидаги афсоналар ҳам ана шунга ўхшаш тузилмага эга.

Бу сюжетларнинг барчаси учун илон билан тавсирланган эркак илонлар образи иккинчи даражалилик, мутелик характери хос, сув унсури ва у билан боғлиқ ҳосилдорлик устидан ҳокимлик роли эса илоҳанинг ўзига тааллуқлидир.

### ҲАЁТ ДАРАХТИ ҲАҚИДА АФСОНА

III—V асрлар Нахшаб илоҳаси ҳақидаги афсона манзарасининг тўлиқ бўлиши учун Ерқўрғонга алоқадор фольклор сюжетларидан яна бири муҳим аҳамият касб этади.

Бу Ерқўрғоннинг инқирози ҳақидаги қадимий шаҳар вайроналари ёнида жойлашган Қорабайир ва Шербек қиш-

лоқлари аҳолиси орасида яшаб келаётган афсонадир. Афсона сюжети кўл, ҳаёт дарахти ва гўё дастлабки халифалардан бири бўлмиш Ҳазрат Али томонидан ўлдирилган Ерқўрғон ҳукмдори Мажус ҳақидаги мифологик мажмуа билан боғлиқдир.

Афсона талқинларидан бирида айтилишича, Ҳазрати Али мамлакатни исломга киритиш учун узоқ уринса-да, мустаҳкам деворлар билан ўралган ушбу шаҳарни забт эта олмайди. Ҳазрат Алини шаҳар деворидан кўриб, уни севиб қолган Ерқўрғон ҳукмдорининг қизи унга яширинча хабар юбориб, шаҳарни сувсиз қолдириш керак, бунинг учун шаҳар ёнидан оқиб ўтадиган анҳорга сомон ташлаш керак, қаерда бу сомон гирдобга дуч келса, шу жойдан шаҳарга сув кираётган бўлади, ана шу яширин қувурни бекитибгина шаҳарни сувсиз қолдириш мумкин, дейди. Ҳазрат Али худди шундай қилади. У шаҳарга оқиб кирадиган сув йўлини бекитиб, чанқоқликдан қаттиқ азоб чекаётган шаҳар ҳимоячиларини таслим бўлишга мажбур этади. Афсона мантиғи бўйича, шаҳарни забт этган Ҳазрат Али Нахшаб ҳукмдорининг қизига уйланади. Бироқ шаҳар ҳукмдори иссиз ғойиб бўлади, Ҳазрат Али ўз хотинидан отаси қаерда эканлигини сўраганида, у Али очилган дарвозадан шаҳарга кириб келаётганда, отаси хариш итга айланиб, шаҳардан қочиб чиққанини ва Ойнакўл деган рамзий ном билан аталадиган кўл суви остида яширинганини айтади. Бу кўл тоғлар оғушида жойлашган, шаҳарга оби ҳаёт келтирувчи оқим ундан бошланади. Отамни ўлдириш учун ўша кўлга чиқиб бориш керак, дейди қиз. Унинг қирғоғида яккаю ёлғиз мангу ям-яшил гужум ўсади, агар ушбу дарахт илдизи билан суғуриб олиниб кўлга ташланса, уч кундан сўнг отамнинг жасади кўл юзасига қалқиб чиқади. Ҳазрат Али буларнинг барчасини бажо келтиради. Бироқ хиёнат, ёш маликанинг тантиқликлари асосида қурилган бу бахт узоқ давом этмайди, чунки бир пайтлар отасининг эркатойи бўлиб, сайроқи қушларнинг тилидан тайёрланган таомлар еб ўсган маликанинг инжиқликлари Ҳазрат Алининг сабр косасини тўлдиради, отасига хиёнат қилган қиз эрини ҳам сотади деган баҳона билан уни ўлимга ҳукм этади.

Ерқўрғон ҳукмдори ҳақидаги бу афсонада бир неча машҳур тарихий ва мифологик сюжетлар чатишиб кетган.

Аввало, ушбу афсона фабуласининг асосида Наршахий келтириб ўтган, араб лашкарбошисига аёлларга хос эҳтирос билан мафтун бўлиб, шаҳарни жангсиз топширган Бухоро маликасининг хиёнати ҳақидаги тарихий воқеанинг афсонавийлаштирилган шакли ётади. Бу сюжетга қадимий дунёда жуда кенг тарқалган ҳаёт дарахти ҳақидаги афсона ҳам киритилганки, зардуштийлик мифологиясида гўё барча уруғлар ана шу дарахтдан келиб чиққан. Шунингдек унда қадимда жуда машҳур бўлган маданий келгинди қаҳрамоннинг маҳаллий ҳукмдор қизига ёки илоҳага, маҳаллий қизга уйланиши ҳақидаги сюжет ҳам ўз аксини топган. «Шоҳнома»да Рустам билан Таҳмина ўртасидаги никоҳ, Борисфен (Днепр) дарёси илоҳасининг қизи — илоноёқли Ехиднага Гераклнинг уйланиши натижасида скифларнинг келиб чиқиши ҳақидаги генеалогик афсоналар фабуласи ҳам шунга ўхшаш сюжетларга эга. Ерқўрғоннинг инқироzi ҳақидаги афсонада ҳам ана шу сюжет мухтасар шаклда акс этган ва афсонанинг фожеавий ечимини ифодалайди.

Ерқўрғоннинг қонуний ҳукмдори билан шаҳар ва бутун музофотга оби ҳаёт олиб келадиган оқим бошидаги ҳаёт дарахти ўртасидаги алоқадорлик ҳақидаги сюжет афсонада марказий ўринни эгаллайди. Бу сюжет, бир томондан, зардуштийларнинг Ворукаша деб аталгувчи жаҳон денгизи яқинида ўсадиган, шоҳлари орасида афсонавий Семурғ куши яшайдиган, барча наботот, одамзот ва ҳайвонот оламининг ибтидоси ҳисобланмиш барча уруғларни вужудга келтирган дарахт ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ташқи руҳ деб аталадиган, яъни инсон жони (одатда афсона қаҳрамони оламдан ўтгач) бирон-бир нарса ёки жонзотда сақланади деган ибтидоий тасаввурлар билан боғлиқдир.

Афсонадаги Ерқўрғон ҳукмдорининг итга айланиши ҳақидаги ўринлар зардуштийлик тасаввурлари таъсирида олиб кирилган. Ит зардуштийларнинг муқаддас жонивори бўлиб, у худди одамлар каби барча дафн маросимларига риоя этилган ҳолда кўмилган. Ерқўрғон ҳукмдорининг жони

сақланадиган дарахт суғуриб олингандан сўнг орадан уч кун ўтгач, унинг жасади кўл юзасига қалқиб чиқиши тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Гап шундаки, зардуштийлар тасаввурига кўра ўлган одамнинг руҳи уч кун мобайнида унинг айнаётган жасади атрофида айланиб юради, учинчи кунда эса бу руҳ илоҳлар кузатувида Гародмана деб аталадиган жаҳон тоғига кўтарилади ва шу ерда марҳум руҳининг дунёдаги барча ўй-фикрлари, истак-орзулари ва иш-амаллари шафқатсиз муҳокама этилади. Бешафқат Митра инсоннинг тириклигидаги барча савоб ва гуноҳ ишларини таразусида тортиб кўради ҳамда шунга қараб ҳукм чиқаради. Шундан сўнг вужуддан жудо бўлган инсон руҳи қилдек ёки қилич дамидай ингичка бўлган кўприкдан жаннат томон ўтиши керак. Гуноҳкорлар қил кўприкдан нажотсиз равишда дўзахнинг музли қаърига (зардуштийлар тасаввурига кўра дўзах қуюқ зулмат ва қаҳратон-музликлар салтанатидир) кулаб тушади, иймонли бандалар эса бу кўприкдан худди кенг йўлдан ўтгандек ўтиб, жаннат дарвозасига етиб боришади, бу ерда эса уларни афсонавий гўзал ёш қиз образи кутиб олади. Бу образ марҳумнинг барча гўзал, эзгу ва оқилона амалларга бўлган ишонччи ҳамда марҳумнинг тириклигида қилиб улгурган барча яхшиликлари якунининг ифодасидир.

Ўлимнинг учинчи куни зардуштийлар тасаввурида нариги дунёдаги инсон тақдирининг ҳал бўладиган, руҳнинг халос бўладиган куни ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Ер-қўрғон ҳукмдори ҳақидаги афсонада Али ҳукмдорнинг руҳи сақланадиган дарахтни суғуриб олганидан сўнг орадан ўтган учинчи кун ҳукмдор жасадининг сув юзасига қалқиб чиқадиган куни ҳисобланади.

Умуман олганда ушбу афсонада сув илоҳаси ва унинг эркак йўлдоши ҳақидаги эски асотирнинг иккиламчи мусулмон мифологиясига мослаштирилган янгича қайта талқини ўз аксини топган.

Бу қадимий асотирнинг исломлаштирилган, Ҳазрат Али образи идеаллаштирилган фабуласига кўра, аёл образи унда пасткаш қиз ва бахтсиз рафиқа сифатида тасвирланган. Эرкак персонажларнинг образлари эса, Анбар она ҳақидаги афсонадаги каби, бир-бирига душман бўлган икки қутбга

ажратилган. Булардан бири ўз сув кучлари ва ҳаёт дарахти билан узвий боғлиқ, қизи томонидан сотилган ота образи, иккинчиси эса ушбу курашда голиб чиқадиган, муҳаббати йўлида отасини душманига қурбон қилган маликанинг суюклиги ва охир-оқибатда бу хиёлати учун маликанинг ўзини ҳам ўлимга ҳукм этадиган хорижлик келгинди образидир.

Тилдан-тилга кўчиб келган бу афсонада Нахшаб ҳукмдорлари сулоласи тақдирининг шаҳар ва унинг атрофларига ҳаёт бахш этиб келган сув манбаи Қашқадарё билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги хотира муҳимдир. Афсонада воҳанинг ҳомий илоҳалари билан Нахшаб сулоласи вакиллари ўртасидаги алоҳида муносабатларнинг акс садолари ҳам сақланиб қолган. Сув миқдори чекланган, унинг танқислиги ҳис этиб турилган Қашқадарё шароитида қадимий Қарши воҳаси нақадар қийинчилик билан тараққий этиб келганлигини назарда тутсак, Ерқўрғон шаҳри аҳолисининг эътиқодий сиғинишларида дарё соҳибасининг марказий ўрин тутиши ўз-ўзидан аён бўлади.

Нахшабдаги қадимий сўғдийлар дарахти ҳақида ўз тасвирларига эга бўлганлигини Ерқўрғон эҳроми ибодатгоҳининг устунига ишланган суратлар кўрсатади. Бу дарахтнинг тепа қисми бургут бошига ўхшатиб, шохлари эса бургут қанотларига ўхшатиб тасвирланган, пастки парлари ёйилиб турган дум қисми эса ушбу дарахт ўсиб чиққан дунё тоғини ифода этади. Бу тасвирда, афтидан, ҳаёт дарахти билан, зардуштийлик мифологиясига кўра, ҳар бир қанот қоқишидан заминга кейинчалик оби-ҳаёт таъсирида униб чиқувчи барча наботот ва ҳайвонот уруғларини сочадиган Семурғ қушининг афсонавий образлари яхлит композиция орқали кўшилиб кетган.

#### **ЮНОН АРИАДНАСИ ВА РИМ ПРОЗЕРПИНАСИНING СЎҒДИЙ ПАРАЛЛЕЛЛАРИ**

Қадимий юнон мифологиясида Ариадна билан қаҳрамон Тесей ўртасидаги муҳаббат ҳақида ажойиб бир афсона бор. Элладининг Геракл билан бир қаторда турувчи буюк қаҳрамонларидан бўлмиш Тесей, афсонага кўра, Афина шоҳининг хотини Эфора ва денгиз худоси Посейдондан




туғилган. Ёшлигиданоқ на куч ва эпчилликда, на ақл-заковат ва қурол ишлатиш борасида Тесейга ҳеч ким тенг келолмаган. У жуда хушбичим, қудратли, адл қоматли, нигоҳлари тиниқ йигит бўлган. 16 ёшгача бобосининг тарбиясини олган Тесей сўнг қартайиб қолган отаси шоҳ Эгей ҳукмдорлик қилаётган Афина сари йўлга отланади. Сафар давомида у қатор жасоратлар кўрсатади, бераҳм қароқчиларни ҳамда аҳолига даҳшат солиб турган, йўлида дуч келган кишиларни ҳалок қилувчи гаройиб махлуқларни маҳв этади. Шу жумладан, қурбонларини ўзининг тўшагига ётқизиб, кимнинг бўйи калта бўлса, гавдасини чўзиб, кимнинг бўйи узун бўлса, оёғини кесиб ҳалок қиладиган қароқчи Прокрустни ҳам ўлдиради.

Тесей Афинага келгач, отаси уни 16 йил илгари ўғлига атаб қолдирган қиличи ва бошмоғидан таниб қолади ва бунинг шарафига катта зиёфат уюштиради. Лекин бу пайтда Афина мотам оғушида эди, чунки ҳар 9 йилда афиналиклар Крит шоҳи Миносга ўзларининг энг яхши етти ўғлон ва етти қизларини хирож сифатида жўнатишар, уларни эса Критнинг ер остидаги улкан Лабиринт саройида яшайдиган Минотавр — боши буқа, гавдаси одамсимон махлуқ ер эди. Минотаврни ўлдириш ва Афинани бундай шармандали хирождан халос этиш учун Тесейнинг ўзи Критга боришга қарор қилади. Бу денгиз сафаридан олдин орақўл башоратига бўйсуниб, сафарда ўзига ҳомийлик қилиши учун муҳаббат худоси Афродитага бағишлаб қурбонлик келтиради.

Қурбонликка мўлжалланган қиз ва йигитлар Афинадан Минос саройига етиб келишгач, Миноснинг қизи малика Ариадна Тесейнинг ғайриинсоний гўзаллиги ва кучқудратини пайқайди. Тесейнинг ҳомийсига айланган муҳаббат худоси Афродита эса Ариадна юрагида йигитга нисбатан севги оловини ёқади ва Ариадна уни ёвуз Минотавр чангалидан халос этишга қарор қилади. У отасидан яшин суратда қаҳрамонга қилич ва Лабиринтнинг қоп-қоронғи, чалкаш йўлларида чикиб кетиши учун бир калава ип беради.

Ариаднанинг қиличи ёрдамида Минотаврни ўлдирган Тесей қиз берган, бир учи Лабиринтнинг чикиш жойига



Еркўрғон эҳромининг саждагоҳи устунидаги қўлларида гулчамбар, урчуқ калаваси тутган зиёратчилар ва ҳаёт дарахтининг фанастик тасвирлари.

боғлаб қўйилган ип туфайли ўз шерикларини бу чалкаш зулмат ер ости маконидан эсон-омон олиб чиқади.

Шундан сўнг у, аввал Минос кемаларининг остини тешади-да, Ариадна билан кемасида Афина сари қочади. Бироқ тақдирнинг ҳукми ўзгача эди, худолар Тесейдан Ариаднани тортиб олишади, чунки азалдан Ариаднанинг пешонасига Юнонистоннинг буюк илоҳларидан бири — май худоси Дионисга хотин бўлиш қисмати битиб қўйилган эди.

Бу афсонада инсон тақдирининг бу дунё билан у дунёни боғлаб турувчи ипни ҳақидаги қадимий қарашлар сўнги қайта ишланган шаклда сақланиб қолган. Ҳинд-европа тил гуруҳига кирувчи халқларнинг мазкур мифологик сюжети-га кўра, инсон тақдирининг ўз махсус илоҳалари борки, уларга ҳатто буюк худолар ҳам ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Юнон мифологиясида улар Мойралар, римликлар мифологиясида эса Паркалар деб аталган. Улар инсон тақдирларининг ўзаро умумий ва башорат қилиб бўлмас алоқадорлиги илоҳаларидирки, уларнинг хоҳиш-иродаси ва инжиқликларига қараб чатишиб кетган. Одатда бундай илоҳлар икки ёки уч нафар бўлган. Шоҳларнинг умр ипини йигириб турувчи ана шундай ер ости худолари ҳақида қадимги хеттлар асотирларида ҳам маълумотлар учрайди. Славян мифологиясида илоҳа Моккош ҳам ана шундай ип йигиришга алоқадордир.

Ҳар икки дунёда ҳам кишилар тақдирини белгилаб берувчи бу худолар айна пайтда ҳар икки дунёдаги тақдирларнинг, шунингдек, тўқимачилик касбининг ҳомийлари ҳисобланган. Барча жонли мавжудотнинг, умуман космогоник ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва уларнинг тақдири ҳақидаги бундай мифологик тасаввурлар, худди тангри томонидан инсоннинг лойдан яратилиши ва шунга ўхшаш бошқа асотирлар каби кўпгина қадимий жамиятларга хосдир.

Ўрта Осиё халқлари афсонларидаги машҳур «Деви Сафед», «Биби Расанда», «Биби Сешанба» каби аёлларнинг ҳомийлари тўқувчилик касби ҳам боғлиқ бўлган. Биби Сешанба кишиларнинг жаннатга тушишига ёрдам беради деб ҳисобланган. Ип йигириш ва тўқувчилик касбининг ҳомийлари саналган бу «момо»лар ўзбеклар ҳамда тожикларнинг аجدодлари бўлмиш сўғдийларнинг қадимги қудратли тақдир илоҳалари ҳақидаги фольклор хотиротлари билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. «Авесто» ҳамда Эрон ва Турон ҳақидаги буюк эпоси «Шоҳнома»да ўз аксини топмаган юқоридаги тасаввурлар Туронда Нахшаб (қадимий Қарши воҳасининг номи) пойтахти Ерқўрғон вайроналаридан чиққан археологик топилмалар бўлганлиги ҳақида далолат беради.

Космогоник ва инсоний тақдирларнинг умумий жараёнларини акс эттирувчи асотирий тасаввурлар мажмуини тўқувчилик касбидаги иккита амал алоқадор бўлган икки сюжетга ажратиш мумкин: ип йигириш алоҳида индивидлар тақдирининг рамзий ифодаси бўлса, тўқувчилик космогоник акт (бутун оламнинг яратилиши) билан боғланади. Ерқўрғондан топилган ашёлар ҳам шундан далолат берадики, инсоний тақдир ипига оид мифологик сюжетлар қадимги сўғдийларга маълум бўлган ва уларнинг тасаввурига кўра, оламнинг яратилиши тўқимачилик жараёнлари билан алоқадордир. Томини пишиқ фишдан терилган иккита бақувват устун кўтариб турган Ерқўрғон шаҳар эхромида олиб борилган қазिशмалар пайтида устунлардан бирининг сиртида қўлида лилия, гулчамбар ва бир тўп ип ўралган урчуқ ушлаган икки нафар аёл тасвири топилди. Нилуфар одатда нариги дунё билан алоқадор тушунчани

ифодалаган. Гулчамбар эса, Александр Македонскийдан сўнг, Шарқда ҳокимиятга илоҳий мансуб бўлиш рамзини акс эттира бошлаган. Лекин ушбу манзарадаги бизнинг мавзуимизга дахлдор асосий нарса бу инсоний тақдирлар ипи билан алоқадор ип ўралган урчуқдир. Хоразмнинг қадимий Тупроққалъа саройидан топилган тобут узра қўлида қизил ип тутиб турган мотам саҳнасидаги аёл тасвири ва Самарқанд воҳасининг Панжикентидан топилган қўлида урчуқ ушлаган аёлнинг сопол ҳайкалчаси юқорида келтирилган образ Ўрта Осиё учун тасодифий бўлмаганлигидан далолат беради. Ўрта Осиёнинг ислом давригача бўлган даҳмалари ичидан сопол ва тошдан ясалган урчуқ тошлари — кичкина айлана дисклар тез-тез топилиб туради. Бу тақдирлар соҳибаси, ип йигириш ҳомийсига қилинган тортиқлар бўлса керак.

Иккинчи амал — тайёр ипдан мато тўқиш қадимда космогоник ижоднинг рамзий ифодаси ҳисобланган. Ригведада еттита арқоқ ва ўриш ипларини тортиб турган, яъни макон ва замон бўлинишини белгиловчи космогоник ижодни акс эттирувчи «кави» илоҳалари ҳақидаги мифологема сақланиб қолган. Бундай тасаввурлар айрим жойларда бошқа халқларда ҳам сақланиб қолган. Ибодатхоналардан топилган тўқув дастгоҳларининг сопол ва лойдан ясалган посангилари бу сюжет қадимги сўғдийларга ҳам маълум бўлганини кўрсатади. Шу маънода Ерқўрғон ҳукмдорларининг III—V асрларга оид мақбараси алоҳида эътиборга лойиқ.

III—IV асрлар Марказий Осиё ва Яқин Шарқ этник-сиёсий ҳаётининг йирик воқеалар, жиддий ўзгаришларга бой даври бўлди. III асрда Эронда Паҳлавийлар сулоласи қулади ва Арташир Сосоний янги Сосонийлар сулоласига асос солди. III асрда Кангюй ҳукмдори хунлар тазйиқи остида ўз қароргоҳини Сирдарё бўйларида Қашқадарё водийсига кўчирди. IV асрда Ўрта Осиё воҳаларида хунлар ёки хионийлар ҳукмронлик қилишди. V асрда улар ўрнини кушон шоҳи Кидар истилочилари ва эфталлийлар ёки хайталлар эгаллаб, Марказий Осиёнинг Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Кошғардан иборат барча ҳудудларини бирлаштириб, улкан салтанат барпо этишди. VI асрда Бухоро

яқинида бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангда турклар билан Сосоний Эрон иттифоқи эфталийларнинг яксон қилиб ташлади, эфталит лашкарбошисининг хиёнати жангда улар қисматини ҳал қилди.

Бу жангнинг ўша даврда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарлардан бири Ерқўрғон учун оқибати ёмон бўлди, шаҳар ёндирилиб, яксон қилинди ва абадий ташландиққа айланди.

III аср Ерқўрғоннинг энг сўнги ва энг юксак гуллаб-яшнаган даври бўлди, бу даврда шаҳарда эҳром ва мақбара, арк ва сарой қурилди, истехком деворлари ўзгартирилиб таъмирланди.

Бу даврда Нақшаб ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангалар ва тасвирий санъат намуналарида Парфия таъсири сезилади. III асрда бунёд этилган ҳукмдор мақбарасида олиб борилган қазималар дафн маросимининг ўзига хос хусусиятини очиб берди. Мақбара юксак пирамидасимон асосга кўтарилган бўлиб, шаҳар дарвозасига қарата тўртбурчак зал-айвон шаклида қурилган бўлиб, биқини ва орқа томонидан тор коридорсимон хоналарга туташган. Ана шу хоналардан катта ёшдаги эркак ва аёлнинг жасадлари топилди. Улар зардуштийлик удумлар бўйича, яъни суяклари этдан тозаланиб, иккита каттакон хумга солиниб дафн этилган. Яна бу ердан, афтидан, марҳумлар сиймоси акс этган рангли сопол ҳайкалнинг бўлаклари, заргарлик буюмлари ҳам топилди. Лекин бизнинг мавзумиз учун муҳими шундаки, хумларнинг ёнидан тўқув дастгоҳининг икки юздан ортиқ посангилари топилди. Улар хумлар атрофида, тор ва қоп-қоронғи хонада бирга сочилиб ётарди.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Фақат ҳукмдорнинг қариндош-уруғларигина кириши мумкин бўлган мақбарада тўқув дастгоҳининг ишлаб турганлигига ақл бовар қилмайди. Лойдан ясалган диаметри 10 сантиметрча келадиган посангилар сони ҳам керагидан анча ортиқдир. Ҳақиқатга энг яқин бирдан-бир хулоса шуки, посангилар қадимий сўғдларнинг ҳукмдор эр-хотинларнинг нариги дунёдаги тақдирига ишониб келтирган ўзига хос диний тортиқларидир. Афтидан, III-IV асрларда Нахшабдаги мифологик тасаввурларга кўра, рамзи тўқувчилик билан боғлиқ бўлган тақдир ило-

ҳалари нариги дунёда ва ундан кейинги қайта тирилишларда катта рол ўйнаган кўринади. Бу даврда Римда ҳам ана шундай тасаввурлар ҳукмрон бўлган. Шу маънода Рим империясининг инқирози даврида Клавдиан томонидан яратилган дoston диққатга сазовордир. «Прозерпинанинг олиб қочирилиши» деб аталадиган бу дoston ҳосилдорлик ва куз илоҳаси ҳисобланган Прозерпинанинг ўз онаси — ер, оналик ва нариги дунё илоҳаси бўлмиш Цереранинг фил суягидан ишланган ер ости саройида ўтирган ҳолда каштага гул тикиш ишлари бу ва нариги дунёдаги барча нарсалар ибтидосига сирли равишда таъсир кўрсатган. Прозерпинанинг чеварлик ижоди ана шу тариқа моддий оламнинг азалий талотўпларини тартибга солиб, уйғунлаштириб, гуллаб-яшнатиб турган.

Еркўрғон даҳмасидан топилган тўқув дастгоҳи анжомлари худди ана шу IV асрга мансубдир. Гарчи сўғдийларнинг хионийларнинг ҳукмронлиги даврдаги мафкуравий ҳаёти тўғрисида дарак берувчи бирон-бир ёзма манба сақланиб қолмаган бўлса-да, лекин биз бу дафн маросими Прозерпина ҳақидаги асотирга яқин бўлган тасаввурлар билан боғлиқ эканлигини тахмин қилишимиз мумкин. Энг қадимги даврдан ўрта асрлар даврига ўтишда Марказий Осиё ва Европани нафақат Шимолий Хитойдаги Ордосдан Венгриягача бўлган Евросиё даштларини эгаллаб олган хуннлар билан ўзаро алоқалар, шунингдек илдизлари эски умумҳинд-европа маданий бирлигига бориб тақаладиган қадимий асотирлардаги ўхшашлик ҳам бирлаштириб туради.

*Илмий-оммабон нашр*

РУСТАМ СУЛАЙМОНОВ

**НАХШАБ — УНУТИЛГАН ТАМАДДУН СИРЛАРИ**

*Тошкент «Маънавият» 2004*

Муҳаррир *М. Ражабова*

Мусаввир *М. Аглям*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусахҳиҳлар *С. Абдусаматова, Н. Ҳролова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Турсунов*

Теришга 08.12.2003 й.да берилди. Босишга 02.02.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 2,52. Шартли кр.-отт. 2,94. Нашр т. 2,08. 5000 нусха. Буюртма № А-5414. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 01-04.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2004.

C96

**Сулаймонов Рустам.**

Нахшаб — унутилган тамаддун сирлари.—Т.:«Маънавият», 2004.—48б.

ББК 63.3(5У)+63.4(5У)